

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

«АХЛОҚШУНОСЛИК»

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2011

«Ахлоқшунослик». Ўқув қўлланма. –Т.: «Premier print», 2011. – 116 б.

Ўқув қўлланма Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ҳолда, Фалсафани босқичма-босқич ўқитишнинг ягона тизимини яратиш жараёнида ёшларнинг фалсафий тафаккурлаш маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида, Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг Фалсафа кафедрасида «ИТД-4-160 Таълим тизимида фалсафа фанини ўқитишнинг такомиллаштирилган ўқув-методик таъминотини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш» лойиҳаси доирасида яратилган бўлиб, Республика Олий ўқув юртларининг бакалавр босқичи талабалари учун мўлжалланган ҳамда фан дастурига мувофиқ тузилган.

Унда, дастур бўйича «Ахлоқшунослик» фанининг асосий мавзулари, тушунчалари ҳақида маълумот берилади. Ўқув қўлланмада ҳар бир мавзуга оид талабаларнинг мустақил ишлашлари, билимларини синаб кўришлари ҳамда мунозара учун савол ва топшириқлар келтирилган. Мавзулар бўйича тузилган тестларни ечиш талабаларга олган билимларини синаб кўришга имкон беради. Қўлланма сўнгидаги луғат (госсарий)да мавзуларда кўрсатилган таянч тушунчаларнинг изоҳи, таърифи баён қилинган.

Ўқув қўлланмадан талабалар, шунингдек педагоглар ва барча «Ахлоқшунослик» фанига кизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

*Лойиҳа раҳбари – ТДШИ Фалсафа кафедрасининг мудури
фалсафа фанлари номзоди, доцент Пўлатова Д. А.*

Тузувчилар:

фалсафа фанлари номзоди, доцент Пўлатова Д. А.

фалсафа фанлари номзоди, доцент Жалолова Ў.К.

фалсафа фанлари номзоди, доцент Рўзматова Г.М.

Масъул муҳаррир:

тарих фанлари номзоди, доцент Пўлатова С.А.

Такризчилар:

фалсафа фанлари номзоди Аҳмедова С.Д.

фалсафа фанлари номзоди, доцент Файзихўжаева Д.Э.

Мазкур ўқув қўлланма ТДШИ ўқув-услубий кенгашида кўриб чиқиб тасдиқланди ва нашрга тавсия этилди.

(4-сонли баённома. 23.06.2011.)

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2013

КИРИШ

Маълумки, учинчи минг йилликка келиб, инсоният цивилизацияси умумбашарий миқёсга эга бўлган кўплаб муаммолар билан тўқнашди. Булар каторига - Ер юзиди тинчликни асраб қолиш ва термоядро урушининг ҳавфини олдини олиш, экологик ҳалокат, демографик муаммолар ва инсоният ҳаёти учун зарур бўлган ичимлик суви, озиқ-овқат, энергия ресурсларининг тақчиллиги муаммоси, наркотрафик ва қурол савдоси, диний ақидапарастлик ҳамда бевосита шуларга боғлиқ халқаро терроризм ва экстремизмнинг таҳдиди; алкоголизм, гиёҳвандлик, одам савдоси қабилар қиради. Уларнинг ҳал этилиши, охир оқибат айнан шахс маънавиятини юксалтириш, ахлоқий жиҳатдан камол топтиришга йўналтирилган ўта мураккаб бўлган вазифаларнинг бажарилиши билан боғлиқ эканлиги тобора аниқ бўлиб бормоқда.

Ижтимоий-фалсафий фикр тарихида цивилизация ривожланиб боргани сари, унинг рационал имкониятлари, маънавий-маърифий салоҳияти ўз-ўзидан тараққий этиб боради, деган нотўғри тасаввур мавжуд эди. XXI асрга келиб, технократик жамиятнинг барпо этилиши ҳамда инсоннинг маънавий камолоти ўртасида маълум бир узилишнинг юзага келганлиги юқоридаги фикрнинг хато эканлигини исботлади. Шунинг учун ҳам, таълим жарёни тарбиядан ажратиб бўлмаслиги, тарбия орқали ёшларга олган билимларини эзгулик йўлида қўллашни ўргатиш нафақат ахлоқ фалсафасининг, балки ҳар бир фан тармоғининг бош вазифасига айланиши кераклиги ҳаётий заруриятга айланди. Чунки башарият тараққиётининг ҳозирги даврида юзага келаётган глобал муаммоларнинг ҳал этилиши кўп жиҳатлардан айнан шундай мутахассисларнинг ақл-заковати ва эзгулик йўлидаги сайи-харакатларига боғлиқ бўлиб боради.

Бугунги кунда айнан «Ахлоқшунослик» фани ёшларни эркин фалсафий фикр юрита оладиган баркамол инсонлар этиб тарбиялашга, фуқаролик жамиятини қуришнинг фаол иштирокчиларига айлантиришга, уларни турли шакллардаги ташвиқотларга, фанатизм, ақидапарастлик, экстримизм, сабрсизликка қаршилик кўрсатишга, ҳозирги дунёнинг турли таҳдидларига, айниқса, ахлоқ соҳасидаги таҳдидларга қарши туришга, жамият ва башариятнинг барқарор ривожланиши учун масъуллигини англашга хизмат қилади.

Мазкур ўқув қўлланмани тайёрлашда кейинги йилларда бакалавриатура йўналишларида «Ахлоқшунослик» фанини ўқитиш жараёнидаги тўпланган тажрибалар ҳисобга олинган. Тажриба шуни кўрсатадики, талабаларда мустақил фикрлаш, мавзуларни ўзлаштиришда мавжуд билимлардан фойдаланиш, ижодий фикр юритиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш учун «Ахлоқшунослик» фанини ўқитишнинг услубий асосларини такомиллаштириш, талабаларнинг мустақил билим олиш имкониятларини кенгайтириш, ўқитиш жараёнида тўпланган илғор тажрибаларни умумлаштириш, янги педагогик технологиялар имкониятидан самарали фойдаланишни зарур.

Ушбу мақсаддан келиб чикиб, мазкур ўқув қўлланмада дастур бўйича «Ахлоқшунослик» фанининг асосий мавзулари, тушунчалари ҳақида маълумот берилади. Унда ҳар бир мавзуга оид талабаларнинг мустақил ишлашлари, билимларини синаб кўришлари ҳамда мунозара учун савол ва топшириқлар келтирилган. Мавзуларга оид кўргазмали материаллар схема, таблицалар кўринишида ёритилган. Мавзулар бўйича тузилган тестларни ечиш талабаларга олган билимларини синаб кўришга имкон беради. Қўлланма сўнгидаги луғат (глоссарий)да ҳар бир мавзуга тегишли таянч тушунчаларнинг изоҳи, таърифи баён қилинган.

Мазкур ўқув қўлланма талаба ёшларнинг «Ахлоқшунослик» фанини қизиқиб ўрганишларига, чуқур ўзлаштиришларига ёрдам беради деб ишонамиз.

Дилдор Пўлатова

1-Мавзу. «АХЛОҚШУНОСЛИК» ФАНИ, УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ РОЛИ

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Ахлоқ, этика, ахлоқ назарияси, хулқ, ахлоқшунослик ва сиёсатунослик, ахлоқ ва ҳуқуқ, ахлоқшунослик ва диншунослик, ахлоқшунослик ва эстетика.*

Маъруза режаси

1. Этика - ахлоқ ҳақидаги назария. Ахлоқнинг умуминсоний ва миллий, тарихий ва конкрет, диалектик ва ижтимоий характери.
2. Жамиятни ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий юксалтиришда, шахсни камол топтиришда ахлоқнинг роли.
3. «Ахлоқшунослик» ва бошқа ижтимоий фанларнинг ўзаро алоқадорлиги.

Муҳокама учун саволлар ва консултатив материаллар

Ахлоқ - ижтимоий онг шакли сифатида

«Ахлоқ» тушунчаси (арабча – хулқ сўзининг кўплиги; лотинча – «mores», «moralis») хулқ, одат деган маъноларни англатади.

Ахлоқ кишиларнинг феъл-атвори, юриш-туриши, уларнинг ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро муносабатларини тартибга солиб туради. Ахлоқ нормалари жамият ёки муайян гуруҳ томонидан шахс феъл-атворида қўйиладиган талаблардир. Бу нормалар шахснинг жамиятга – Ватан, давлат, миллат, гуруҳга муносабатини, шунингдек, шахснинг турмушдаги, айрим кишиларга, касб-корига, мутахассислигига, ҳатто ўз-ўзига бўлган муносабатлардаги хатти-ҳаракатни ҳам ўз ичига олади.

Ахлоқ - ижтимоий онгнинг муайян шакли бўлиб, кишиларнинг ижтимоий ва шахсий ҳаётида бир-бирларига бўлган муносабатларининг, яъни хатти-ҳаракат тамойиллари ва тартиб-қоидаларининг мажмуидир.

Этика – ахлоқ ҳақидаги назария

Кишилик жамиятининг илк даврларида ахлоқ нормалари – юриш-туриш қоидалари ва одоб тамойиллари кишиларнинг меҳнат қилиш жараёнида вужудга келиб, уларга риоя қилиш урф-

одатга, анъанага айланиб боради. Кейинчалик жамият, ижтимоий ҳаёт тараққий этиб, ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралгач, меҳнат тақсимоти юз бергач, одамларнинг юриш-туриш коидалари, одам ахлоқининг моҳияти ҳақидаги масалалар бир бутун фалсафий билимлар системасига солинади, маълум даражада мустақил фанга айланади. Шу тарика этика, яъни ахлоқ ҳақидаги таълимот пайдо бўлади.

Этика – юнонча «ethos» деган сўздан олинган бўлиб, бунинг маъноси хулқ-одат демакдир. Этика, яъни ахлоқ ҳақидаги фан, ўзбек тилида ҳозирги пайтда «ахлоқшунослик» фани деб ҳам юритилади.

Этика одамларнинг юриш-туришида, ахлоқида тарихан ўзгариб турадиган, ривож топиб, тараққий этиб борадиган тамойилларни, ахлоқий норма(коид)ларни; ахлоқнинг манбаи ва келиб чиқишини, ахлоқий категорияларни яъни яхшилик ва ёмонлик, ор-номус, виждон каби умумий тушунчаларни, ахлоқий эътиқод, маслак ва ҳис-туйғуларни изоҳлаб беради. Шунингдек, ахлоқнинг абадий муаммолари бўлган – ахлоқий баҳонинг мезони нимада, ахлоқда ҳақиқат борми, ахлоқий эркинлик нима, инсон ўз хатти-ҳаракати учун жавобгарми, масъулми каби саволларга жавоб ахтаради.

Хулқ деганда нимани тушунаси?

Хулқ, одоб деганда иқтисодий тузум тақозоси билан, турмуш шароитининг алоҳида тарзидан, анъаналаридан, урф-одатларидан пайдо бўлган, бироқ мунтазам қарашлар, қоидалар, йўл-йўриқлар системасига кирмаган муносабатлар хусусияти тушунилади.

Демак, **хулқ** – кишиларнинг амалий хатти-ҳаракатлари, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлардир; **ахлоқ** – ижтимоий онг билан боғлиқ бўлиб, мазкур хатти-ҳаракат тамойиллари ва қоидаларининг ахлоқ талаблари шаклида ифодаланишидир, **этика** бўлса – ахлоқ тамойиллари ва қоидаларини изоҳлаб ва асослаб бериш демакдир, яъни ахлоқ ҳақидаги назариядир.

Ахлоқнинг умуминсоний ва миллий, тарихий ва конкрет характери

Маълумки, кишилик жамияти доимо тараққиётда экан, унинг ахлоқий-маънавий қарашлари ҳам доимо ўзгариб, ривожланиб, тараққий этиб боради. Яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тушунчалар ҳам тарих давомида ўзгариб келди. Ибтидоий жамоа тузуми

билан бугунги жамиятда татбиқ этиладиган ахлоқ тушунчаларига бир хил ёндошиб бўлмайди. Масалан, илк ибтидоий жамиятда касалларни, кексаларни ўлдириб ейиш одат бўлган, уят ҳисобланмаган. Шундай экан, ҳамма ижтимоий ҳодисаларга реал ёндошилгандек, ахлоқий ҳодисаларга ҳам конкрет, диалектик, тарихий ёндошмоқ тақозо этилади.

Жамиятни юксалтиришда, шахсни камол топтиришда ахлоқнинг роли

Ахлоқ қоидалари пассив эмас, балки жамият ривожига, шахс турмушига фаол таъсир кўрсатадиган муҳим омилдир. Илғор, тараққийпарвар ахлоқ нормаларининг таълим-тарбияга таъсири ижобий бўлади, реакцион хулқ нормаларининг таъсири эса жамиятда ҳам, шахс тарбиясида ҳам салбий бўлади.

Инсон жамиятда яшаб туриб, жамиятдан ҳоли бўла олмайди. Бу ҳол кишининг ҳамма ишига, жумладан, унинг ахлоқий қиёфасига ҳам бевосита ўз таъсирини кўрсатади, унинг юриш-туришига нисбатан муайян тарбиявий-маънавий талаблар қўяди. Одамларга баҳо берганда, уни ёшидан, касбидан, мутахассислигидан, даражасидан қатъиназар «ахлоқли» ёки «ахлоқсиз экан»; «тарбияли» ёки «тарбиясиз экан»; «зиёли экан», «ўқиган бўлса ҳам, ўқмаган экан», «олим бўлиш осон-у, одам бўлиш қийин экан» деб баҳо берамиз. Бунда биз кишиларнинг маънавий қиёфасини, хулқ-атворини, яхши ёки ёмон хатти-ҳаракатини ифодалаган бўламиз.

Қарангки, ҳар бир одам бир олам бўлса ҳам, у тақдорланмас ноёб, ўзига хос бир мўъжиза бўлган тақдирда ҳам бир ўзи яшай олмайди, бахтли ҳам, бахтсиз ҳам бўла олмайди. Шундай экан, инсон ўз моҳияти билан, табиати билан жамият билан чамбарчас боғлиқ. Инсоннинг ақл-идроқи, виждони-иродаси, имон-этикоди, умуман, шахс сифатида шаклланиши жамият доирасида амалга ошади. Ахлоқ, хулқ-атвор ҳақидаги *этика* фани бу хусусда баҳс юритади, таълимот яратади.

Озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишда, комил инсонни тарбиялаб вояга етказишда, мустақилликни мустаҳкамлашда, жамиятимизни маънавий юксалтиришда ахлоқнинг роли беқиёсдир.

Этика ва эстетика

Этика бошқа ижтимоий ва фалсафий фанлар билан ўзаро алоқадорликда ривожланиб келмоқда. Айниқса, унинг эстетика билан алоқаси қадимий ва ўзига хос.

Аввало, инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати ва нияти ҳам ахлоқийликка, ҳам санъатга тегишли бўлади, яъни муайян ижобий фаолият ҳам эзгулик (ички гўзаллик) хусусиятларини мужассам қилади. Шу боис Сукрот, Афлотун, Форобий сингари қадимги файласуфлар кўп ҳолларда *ахлоқийликни ички гўзаллик, нафосатни ташқи гўзаллик* тарзида талқин этганлар. Бундан ташқари, маълумки, санъат эстетиканинг асосий тадқиқот объекти ҳисобланади. Ҳар бир санъат асарида эса ахлоқнинг долзарб муаммолари кўтарилади ҳамда санъаткор доимо ўзи яшаётган замонда эришилган энг юксак ахлоқий даража ва унга муносабатни бадиий кифоалар орқали бевосита ёхуд билвосита акс эттиради. Демак, эстетика ўрганаётган ҳар бир бадиий асар айни пайтда, маълум маънода, этика нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ этилаётган бўлади.

Ахлоқшунослик ва диншунослик

Ахлоқшуносликнинг диншунослик билан алоқаси шундаки, ҳар иккиси ҳам бир хил муаммо – ахлоқий мезон муаммосини ҳал этишга қаратилган. Чунки жаҳоний динлар вужудга келгунига қадар мавжуд бўлган маълум урф-одатлар ва қадриятлар муайян диний қонун-қоидаларга, муқаддас диний китобларга катта таъсир кўрсатган. Айни пайтда, динлар ҳам ахлоққа ана шундай таъсир ўтказганлар.

Чунончи, Ислом динида Қуръони Карим. Ҳадиси Шариф талаблари Шарқ мусулмонларининг ахлоқий шаклланишида катта аҳамият касб этган. Шунингдек, комил инсон муаммоси ҳар иккала фан учун умумий ҳисобланади. Фарқи шундаки, этика бу муаммога дунёвий нуқтаи назаридан ёндошади.

Ахлоқ ва ҳуқуқ

Ахлоқшуносликнинг ҳуқуқшунослик билан алоқаси узок тарихга эга. Маълумки, жуда кўп ҳолларда ахлоқ меъёрлари билан ҳуқуқ меъёрлари моҳиятан ва мазмунан бир хил бўлади. Шунга кўра, *ахлоқни жамоатчилик асосидаги ҳуқуқ, ҳуқуқни эса қону-*

нийлаштирилган ахлоқ деб аташ мумкин. Зеро, ахлоқшунослик билан ҳуқуқшуносликнинг тадқиқот объектлари кўп жиҳатдан ўхшаш, улар фақат ёндашув усули нуктаи назаридан фарқ қилади, яъни ҳуқуқ меъёрларининг бажарилиши, одатда, махсус адлия идораларидаги лавозимли кишилар орқали, мажбурий санкциялар воситасида йўлга қўйилади; ахлоқ меъёрлари эса умумий қабул қилинган миллий урф-одатлар, жамоатчилик фикри ёрдамида, алоҳида белгиланган кишилар томонидан эмас, балки муайян ижтимоий гуруҳ, жамият томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, ҳуқуқшунос касби учун муҳим бўлган амалий ахлоқ талабларини ахлоқшуносликнинг «ҳуқуқшунос одоби» деб аталадиган махсус соҳаси тадқиқ этади ва тавсиялар беради.

Этика ва педагогика

Этика педагогика билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Педагогикадаги шахсни шакллантириш, тарбиялаш, таълим бериш жараёнларини панд-насихатларсиз, одобнома дарсларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис этика ўзининг назарий ва, айниқса, амалий жиҳатлари билан педагогиканинг асоси ҳисобланади. Зеро, маориф тизимидаги таълим-тарбия ўзини ҳар бир кадамда ахлоқий тарбия сифатида намоён этади.

Этика ва психология

Қадимдаёқ этика руҳшунослик (психология) билан алоқаси алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Зотан, бу ҳар икки фан кишилар хатти-ҳаракати, феъл-атвори ва майл-истакларини ўрганади. Лекин бу ўрганиш икки хил нуктаи назардан олиб борилади: психология у ёки бу хатти-ҳаракат, феъл-атвор, сабабий асос (мотив)ларнинг руҳий табиати ва шаклланиш шарт-шароитларини очиб беради, этика эса руҳшунослик тадқиқ этган ҳодисаларнинг ахлоқий аҳамиятини тушунтиради.

Этика ва сиёсат

Этиканинг сиёсат билан алоқаси, айниқса, ўзига хос ва мураккаб. Бу борада шахсий интилишлар билан давлат ва жамият манфаатларининг мослиги, мақсадлар ва воситаларнинг пок ёки нопоклиги муаммолари ўртага ташланади. Лекин, аслида, сиёсат қай даражада ахлоқийлик касб этса, шунчалик у одил ва оқилона

бўлади. Бу - ахлоқшунослик ва сиёсатшуносликда тадқиқ этиб келинаётган муҳим умумий муаммолардан биридир. Шунингдек, раҳбар этикаси, касбий этика, этикет сингари ахлоқшуносликнинг муомала маданияти доирасига кирувчи махсус соҳалари ҳам сиёсатшунослик билан чамбарчас боғлиқ.

Тест саволлари

1. Ахлоқ деганда нимани тушунаси?

- A) ахлоқ худонинг инсонга берган инъоми
- B) ахлоқ инсонлар ўртасидаги турли хил муносабатлар
- C) ахлоқ ижтимоий онг шаклларида бири, инсоннинг юриш-туриш қоидалари ва хулқ-атвор меъёрлари
- D) ахлоқ яхшилик ва ёмонликнинг ўлчов мезони.

2. Ахлоқ кўпроқ қайси фанлар билан боғлиқ?

- A) манбашунослик ва сиёсатшунослик билан
- B) педагогика ва ҳуқуқшунослик билан
- C) ижтимоий-психология ва иқтисодиёт билан
- D) санъатшунослик ва диншунослик билан.

3. Ахлоқнинг ижтимоий ҳаётдаги роли нимадан иборат?

- A) инсонга омад ва бахт-саодат келтиради
- B) кишини хато қилмасликка ундайди
- C) инсонни маънавий камолотга етказди, жамиятда барқарорликни таъминлайди
- D) ёшларни ўз нафсини тийишга ва инсофли бўлишга ундайди.

4. Инсоннинг ҳар бир қилмиши, хатти-ҳаракатларининг ибтидоси?

- A) инсоннинг туғма қобилиятлари
- B) ахлоқий танлов
- C) ақл-заковати, билимлари
- D) ота-онаси берган тарбия.

5. Ахлоқнинг ижтимоий манбалари нимага боғлиқ?

- A) жамиятнинг сиёсий тузумига
- B) инсоннинг шахсий ва ижтимоий манфаатлари ўртасидаги уйғунлик даражасига
- C) ижтимоий муҳит ва жамоатчилик фикрига
- D) таълим-тарбия ҳусусиятларига.

6. Ахлоқнинг маънавий манбалари нимага боғлиқ?

- A) инсоннинг диний дунёқарошига
- B) ҳаётий тажрибаларига
- C) инсоннинг ҳаёт мазмуни ва ҳаётий мақсадини қандай тушунишига.
- D) ижтимоий фаоллиги, мақсадлари ва интилишларига

7. Ахлоқий меъёр - қоидалар қачон пайдо бўлган?

- A) одамзоднинг пайдо бўлиши билан
- B) инсоният жамиятининг шаклланиши билан
- C) дин билан бир даврда
- D) қулдорлик тузуми шакллангандан кейин.

8. Ахлоқ ва сиёсат ўртасидаги ўзаро алоқадорлик қандай намоён бўлади?

- A) юксак мақсадларга ахлоқий пок воситалар билангина эришиш керак
- B) юксак мақсадларга эришиш учун ҳар қандай воситадан фойдаланиш мумкин
- C) мақсад юксак идеаллар билан боғлиқ бўлса етарли, колгани муҳим эмас
- D) мақсад – воситани белгилайди.

9. Нима учун, Шарқ мутафаккирлари, шахснинг ахлоқий тарбиясига алоҳида эътибор қаратганлар?

- A) ахлоқ иқтисодий муносабатларни тартибга солиди
- B) ахлоқ ижтимоий барқарорлик ва ривожланишнинг гаровидир
- C) ахлоқсиз оилада тотувлик бўлмайди
- D) ахлоқ ёшларни зарарли одатлардан асрайди.


10. Ахлоқ шахс маънавияти билан боғлиқми?

- A) улар орасида фарқ йўқ
- B) ахлоқ шахс маънавиятининг ўзагини ташкил этади
- C) маънавият – инсон руҳияти билан, ахлоқ – ҳаракатлари билан боғлиқ
- D) бу – шахснинг билим даражаси билан белгиланади.

МАВЗУГА ОИД МАНТИҚИЙ – СТРУКТУРАВИЙ МАТЕРИАЛЛАР


1-илова

Этика – ахлоқ ҳақидаги назария




2-илова

Ахлоқшуносликнинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги



3-илова





МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН МАШҚЛАР

Қуйида келтирилган ҳикматли фикрларни ахлоқшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинг:

1. Илм – нажотга, нодонлик тубанликка элтади.
2. Кечирмоқ яхшиликнинг энг яхшисидир.
3. Инсон яхшиликнинг қулидир.
4. Бехудагарчилик нодонликнинг оқибатидир.
5. Кечериш дўстлик зарларини сочғувчидир.
6. Ёмон суҳбатдошдан ёлғизлик яхши, яхши суҳбатдош ёлғизликдан яхшидир.
7. Камтарлик юксалтиради, такаббурлик ерга уради.
8. Ғолиблик узоқни кўра билиш. Узоқни кўра билиш тажриба билан қўлга киритилади.
9. Сотма сафсата, билиб қўй аввало,
Таъмадин жонингга етгайдир бало (Жалолоддин Румий).
10. Сабр ила бир кимса бежон бўлмади,
Хирсга тутқун банда султон бўлмади (Жалолоддин Румий).
11. Агар сен ҳақингда яхши гапиришларини хоҳласанг – бошқалар ҳақида ёмон гапирма (Эпиктет).
12. Ҳар ким ҳар доим ўз қобилиятини билсин, ўз камчиликлари ва ютуғлари учун ўзига-ўзи ҳукм чиқарсин (Цицерон).
13. Инсоний ақл – билим ва мулоҳаза юритиш орқали тарбияланади (Цицерон).
14. Ҳаётда инсон берадиган мазмундан бошқа маъно йўқ, у бор кучини бериб, махсулдор яшаб унга маъно касб этади (Эрих Фромм).
15. Фақат ягона эзгулик бор, у ҳам бўлса – билим. Ягона ёмонлик бор, у ҳам бўлса – билимсизлик (Сократ).

2-МАВЗУ. АХЛОҚНИНГ ТАРИХИЙ ТИПЛАРИ ВА АХЛОҚИЙ ФИКРЛАР РИВОЖИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Мавзунинг таянч тушунчалари: *«Авесто», Ахура Мазда, Анхра Манью, «эзгу фикр», «эзгу сўз», «эзгу амал»; Демокрит, Сократ, Аристотель, «Никомах этикаси», «Ахлоқи кабир», «Фозил одамлар шахри», Форобий, Алишер Навоий, тасаввуф ахлоқи; француз маърифатпарварлари, немис мумтоз фалсафаси ахлоқшунослиги.*

Маъруза режаси

1. Қадимги Шарқ, Юнонистон ва Римда ахлоқий таълимотлар ривожи.
2. Ўрта аср Шарқ ва Ғарб ахлоқий тафаккурининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Европа Уйғониш ва Янги даври этикаси.
4. Ҳозирги замон Ғарб этикаси ва ундаги асосий йўналишлар.

Муҳокама учун саволлар ва консултатив материаллар

«Авесто»даги ахлоқий фикрлар

Марказий Осиёнинг исломгача бўлган даврдаги умумий тарихини ўрганиш учун зардўштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» бебаҳо манбадир. Авесто таълимотига кўра, икки куч: яхшилик ва ёмонлик кучлари мавжуд бўлиб, улар бир-бирлари билан абадий курашиб келадилар. Ахура Мазда –яхшилик тимсоли, Анхра Манью – ёмонлик тимсолидир. Инсоннинг ҳаётини, унинг бахти ёки бахтсизлигини ана шу курашнинг натижаси белгилаб беради.

«Авесто»нинг ахлоқ фалсафаси «эзгу фикр», «эзгу сўз», «эзгу амал» – ахлоқий учлигида ўз ифодасини топган. «Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман... Мен яхшиликдан иборат Мазда қонунига шон-шавкат бахш этаман» («Ясна»,14). - деб таъкидлайди Ахура Мазда.

Демокритнинг ахлоқий гояларининг асосида нима ётади?

Демокрит (мил.ав.460–370йй.) юнонлар орасида ўз таълимотида этика ва мантикни, сиёсат ва диншуносликни бирга жам-

лаган биринчи мутафаккирдир. Демокритнинг ахлоқий ғоялари асосида инсон рухнинг осойишталикда бўлиши, табиат ҳодисаларини ўрганиш асосида ҳаётдан лаззатланиш, тинч ва осойишта умр кечириш, ўз бурчини бажарган ҳолда жасур, ўткир ақлга эга бўлиш, дўстлик ва ўртоқликни кадрлаш каби фикрлар ётади.

Сократнинг ахлоқий қарашлари

Сократ (Сукрот, мил.ав.470-399 йй.) биринчилардан бўлиб билим билан ахлоқнинг узвий бирлиги ҳақида фикр юритади. Сократ фикрича, умумий фазилатлар хусусий фазилатлардан, яъни жасурлик, донолик, қаноатлилик, адолат ва бошқалардан иборат. Мардлик – кўркунни даф этишни, донолик – қонунларга риоя қилишни, қаноатлилик – ўз ҳиссиётларига эрк бермасликни, адолат – қандай қилиб яхшилиқни амалга оширишни ўргатади.

Сократнинг ахлоқий қарашлари «Яхшилик билимдир» ва «Ўз-ўзингни бил!» деган ғояларга асосланади. Ёмонлик билимсизликдан келиб чиқади. Яхши бўлиш учун эса яхшилик ҳақидаги билимларни эгалламоқ лозим. Яхшилик ҳақидаги энг етук ва умумий билим бу худони билишдир, шунинг учун ҳам Сократ «Худога хизмат қилишдан ўзга бахт йўқдир», деган хулосага келади. Сократ фазилат билан билимни бир нарса деб билади, фазилат илм олиш туфайли қўлга киритилади, лекин унга фақат имтиёзли инсонларгина эришади. Сократ жамиятдаги тенгсизликни табиий ҳолат деб қабул қилади ва уни оқлайди.

Платоннинг ахлоққа доир фикрлари

Платон (Афлотун, мил. ав. 427-347 йй.) этикасининг асосий таянч нуқтаси – инсон онгидан ташқарида худонинг доимий назорати остида бўладиган ягона ўзгармас «яхшилик» ғоясидир. Унинг фикрича, ердаги яхшилиқнинг ҳамма тури ўзида меъёр, гўзаллик ва ҳақиқатдан иборат уч тушунчани жам қилган олий «Яхшилик ғояси»нинг инъикосидир.

Платон фикрича, одамнинг ахлоқи шу олий «Яхшилик ғояси»га интилиши билан боғлиқ. Шу билан бирга, у, ахлоқ илоҳий асосга эга эканлиги ва ахлоқий фазилат тушунчаси инсонга азалдан берилганлиги; ахлоқийликнинг асосини илоҳийликдан олинadиган ахлоқий намуна ташкил этиши ҳақидаги ғояларни ҳам илгари сурган.

Аристотель ахлоқшунослик ривожига қандай ҳисса қўшган?

Аристотель (Арасту – мил. ав. 384-322) ўзининг «Никомах этикаси», «Катта ахлоқ китоби» ва «Сиёсат» асарларида ахлоқ ҳақидаги фикрларни тизимлаштириб, унга «этика» деб ном берди. Аристотель этикасининг асосида бахтга интилиш ётади. Бахтнинг мезони эса яхшилик, донолик, адолатлилик, соғлом бўлиш билан белгиланади. У ахлоқнинг асосини реал ҳаёт, инсонлар турмуши билан боғлашга ҳаракат қилади, ахлоқнинг жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди: «Табиат инсон қўлига қурол ва ахлоқий куч берган, аммо у шу қуролни тескари томонга нисбатан ҳам ишлатиши мумкин; шу сабабли ахлоқий таянчлари бўлмаган одам энг инсофсиз ва ёввойи, ўзининг жинсий ва дид майлларида энг тубан мавжудот бўлиб қолади».

Мутафаккир фикрича, ахлоқий фазилат руҳнинг (Платон ўйлаганидек) ҳолати бўлмай, уни инсонларга табиатнинг ўзи бермайди, балки табиат фазилатли бўлишнинг имкониятларини яратади, холос. Барча ахлоқий фазилатлар – адолат, дўстлик, муҳаббат, мардлик, сахийлик ва ҳ.к.лар фақат инсон фаолиятида намоён бўлади. Ахлоқий фазилат – фаолият, хатти-ҳаракат демакдир.

Инсон кўядиган **мақсад** уни амалга ошириш **воситаларини белгилайди**. Шундай экан, мақсаднинг ахлоқий табиати фақат ахлоқий воситаларни талаб этади, ва аксинча.

Адолатли ишларни бунёд қилиш билан, -деб таъкидлайди Аристотель, - одам адолатли бўлиб боради, мардона ҳаракат билан мард бўлади. Одам жамиятда яшагани сабабли, унинг ахлоқий фазилатлари ҳеч қачон соф, холис ҳолда намоён бўлмайди, балки фақат ижтимоий ҳолатдагина амалга ошади. Шунинг учун барча ахлоқий фазилатлар – ижтимоийдир, дейди Аристотель.

Аристотель ўзининг «Катта ахлоқ китоби»да шундай ғояларни илгари сурган: «Ҳар қандай фазилат ўзини намоён этган пайтдагина яхши амаллар ҳисобланади... Мукаммал мақсад мукаммал фазилатларда баркамолликка эришишдир. Гўзал фазилатларга амал қилиб яшаганимизда биз бахт-саодатга ва амалий неъматни қўлга киритамиз»¹. Мутафаккир фикрича, ақл ўзича яхшилик бўла олмайди, бунинг учун у(ақл) инсоф, адолат, мардлик каби гўзал инсоний фазилатлар билан уйғунлашган бўлиши зарур.

¹ Арасту. Катта ахлоқ китоби.// Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. –П.: Янги аср авлоди. 2011. 139-б.

Форобий этикасига қандай хусусиятлар хос?

Форобийнинг ахлоқий идеали асосан «Фозил одамлар шахри», деган асарида ўз аксини топган. У бу асарида идеал ахлоқли инсоннинг образини яратиш билан, тарбия соҳасида шу тимсолни намуна қилиб олиш зарур деган фикрни илгари суради.

Форобий таълимотида ақлий тарбия билан ахлоқий тарбия масаласи узвий боғланиб кетган, улар ажралмаган ҳолда мавжуддир. Ахлоқли бўлиш ақллиликнинг узвий хислати, фазилатидир.

«Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир муҳокамали, яхши фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишда зўр истъоддга эга, ёмон ишлардан ўзларини четга олиб юрадилар. Шундай кишиларни ақлли дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топишда зехн-идрокка эга бўлганларни ақлли деб бўлмайди, уларни «айёр, ёлғончи» деган номлар билан атамоқ лозим».

Абу Наср Форобий ўзининг «Фозил одамлар шахри» номли асарида комил ахлоққа эга бўлган инсонларгина адолатли жамиятни куриши мумкин деган ғояни илгари сурган. Мутафаккир фикрича, шахснинг ахлоқий фазилатларига қуйидагилар киради:

1. Бундай одамларнинг барча аъзолари шу даражада мукамал тараққий этган бўлиши зарурки, у бу аъзолари билан бажармоқчи бўлган барча ишларини осонлик билан амалга ошира олсин.

2. Барча масалани, муҳокама ва мунозарани тезда ва тўғри тушуна оладиган, унинг маъносини англай оладиган, сўзловчининг мақсади ва айтилган фикрларининг чинлигини тезда пайқай оладиган бўлсин.

3. Хотираси жуда бақувват бўлсин, кўрган-эшитган, сезган нарсаларининг бирортасини ҳам эсдан чиқармай ёдида сақлаб турадиган бўлсин.

4. Зехни шу даражада ўткир бўлсинки, бирор нарсанинг аломатини сезиш билан бу аломат нимани билдиришини тезда билиб олсин.

5. Сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини раво ва равшан баён эта олсин.

6. Билиш ва ўқишга муҳаббати бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билимини чарчашни билмай осонликча ўзлаштира олсин.

7. Овқатланишда, ичимлик ичишда очкўз бўлмасин, табиати кимор ўйинлари ўйнашдан узоқ бўлсин ва улар келтирадиган хурсандчиликдан жирканадиган бўлсин.

8. Ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин.

9. Рухнинг ғурури ва виждонини кадрлайдиган бўлсин, унинг руҳи ўз табиати билан паст ишлардан юқори ва олийжаноб ишларга ишлатиладиган бўлсин.

10. Дирҳам, динор ва шу каби турмуш буюмларига жирканиш билан қарасин.

11. Ўз табиати билан адолатни севадиган ва адолат учун курашувчиларга, адолатсизликка, жабр-зулм ўтказувчиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин, ўз одамлари ва бошқаларга адолатли бўлсин, гўзал ва яхши ҳисобланган барча нарсаларни барчага тақдим этган ҳолда одамларни адолатга тарғиб этадиган, адолатсизлик оқибатларини йўқотадиган, уларга йўл қўймайдиган бўлсин.

12. Адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, адолат олдида қайсарлик қилиб, ўзбилармонликка берилмасин, лекин ҳар қандай адолатсизлик, пасткашлик олдида лафзли бўлсин, ўзи зарур деб топган нарсани амалга оширишда катъийлик кўрсатсин, кўркмас, жасур бўлсин, кўркиш ва ожизликни билмасин².

Кубровия тариқатидаги ахлоқий ғоялар

Аҳмад Ибн Умар Ибн Муҳаммад ал-Хивакӣ ал-Хоразмӣ (Нажмиддин Кубро) (1145–1221) – Марказий Осиёнинг шайхул-машойхларидан бири, “кубровия” тариқатига асос солган. Унинг мақсади одамларни ҳам жисмонан, ҳам ақлий ҳам руҳий-маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш бўлган. Кубровия таълимотида динийлик билан дунёвийлик чамбарчас боғлиқдир. Унда кишиларнинг диний эътиқоди ғоялари ахлоқий поклик, мардлик, ҳожатбарорлик, ҳалоллик, одамийлик, мол-дунёга хирс қўймаслик, шахвоний хирсу ҳаволардан сакланиш лозимлиги ва х.к. ҳақидаги ахлоқий талаблар билан уйғунлашиб кетган.

Яссавия тариқатида қандай ахлоқий ғоялар илгари сурилган?

Аҳмад Яссавий (1041–1167) – «Пири Туркистон», «Туркистон мулкининг Шайх ул-машойихи», «Султон ул-орифон» номи билан машҳур бўлиб, яссавия тариқатига асос солган. Аҳмад Яссавийнинг ахлоқ ҳақидаги қарашларида ҳаддан ошмаслик, Аллоҳ ва инсонни севиш, шафқат ва мурувват каби фазилатларга

² Қаранг: Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993. – 186-187-бетлар

кенг ўрин берилган. Унинг фикрича, инсон ҳар доим ўз нафсини тия олиши, нафс қулига айланмаслиги зарур. Бошқаларни хўрлаш, кибру ҳаво комилликка зиддир.

Аҳмад Яссавий инсон омилига, хусусан унинг жамиятни эзгуликка йўналтирадиган қудратига алоҳида аҳамият беради. Олимлар илмларига, ҳокимлар ҳақ ва адолатга қараб иш тутмасалар жамият парокандалашиб, давлат таназзулга юз тутади.

Нақшбанд таълимотидаги ахлоқий гоёлар

Баҳовуддин Нақшбанд таълимотида асосий ўрин олган гоё – кишиларда ҳалол меҳнат қилишга, ҳунар ўрганишга, ўз меҳнати мевасидангина баҳраманд бўлишга чақиришдир. Унинг «Даст ба қору, дил ба Ёр», деган фикри – қўлинг меҳнатда бўлсин, Аллоҳ дилингда бўлсин, деган маънони билдиради.

Саъдий Шерозийнинг ахлоқий фазилатлар хусусидаги фикрлари

Мутафаккир ахлоқий фазилатлар ўз-ўзидан вужудга келмайди, аксинча, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатдан келиб чиқади ва ривожланади, деб ҳисоблаган. Агар киши ахлоқи пок одамлар билан бирга яшаса, уларнинг таъсирида саховатли одам бўлиб етишади, агар ахлоқи нопок кишилар таъсирида бўлса, уларга қўшилиб жирканч хатти-ҳаракатлар қилиши мумкин.

Айниқса, Саъдий ўз меҳнати билан ҳаёт кечирган кишиларни жуда улуғлайди. Меҳнатни у инсон ҳаётида энг муҳим, энг зарурий нарса деб тушинади. Инсон ҳаётининг мазмуни ва қимматини унинг меҳнати белгилайди, дейди у. Саъдий фикрича, кимки меҳнат қилмай, унинг натижасини кутар экан, бундай одам ерга уруғ ташламай ҳосилни кутувчи дехқонга ўхшайди.

Жомийнинг «Баҳористон» асарида қандай ахлоқий гоёлар илгари сурилган?

Жомий таъкидлашича, инсон ўз табиати билан соф ва покдир. У ўзида ҳар қандай яхши ва ёмон хислатларни тарбиялаши мумкин. Бу фақат унинг истак ва иродасига боғлиқ. Инсон ўз табиатида мавжуд бўлган софликни асраши керак. У айёрликка, макр-ҳийлага асло берилмаслиги лозим. Агар у ўзида ёмон иллатлар пайдо бўлаётганини сеза бошласа, ундан дарҳол қутилиш чораларини ахтариши керак, дейди шоир.

Бунинг учун, Жомий фикрича, инсон ўзига танқидий кўз билан қарай билиши лозим. Энг аввало, ўзидаги камчиликларни, сўнгра бошқалардаги камчиликларни кўра билиши керак. Мутафаккир бошқаларнинг арзимаган камчилигини кўриб, ўзидаги камчиликларни, хатоларни яширганларни қаттиқ танқид қилади. Ўз камчилигини кўриб, ўзгаларникига мурувват билан қараган кишиларни эса олқишлайди.

Алишер Навоийнинг ахлоқий қарашлари

Алишер Навоий (1441-1501) таълим ва тарбияга оид алоҳида асар яратмаган бўлса ҳам, ўзининг бу ҳақидаги фикрларини барча асарларида ифодалаган.

Мутафаккир тасаввуфнинг нақшбандийлик сулукига эътиқод қилиб, ундаги меҳнатсеварлик, ҳалоллик, имон–эътиқодли бўлиш каби ғояларни янада ривожлантирди. Шоир «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Маҳбубул–қулуб» ва бошқа асарларида инсон ва унинг энг яхши фазилатларини тасвишлаб, комил инсон тимсолини яратди, барча даврларда шахс ва жамият учун муҳим бўлган ахлоқий идеал масаласини ҳал қилиб берди.

Навоийнинг фикрича, инсон учун тож-давлат ва бошқалар эмас, балки энг яхши фазилатлар зийнатдир. Энг яхши фазилатлар ҳар қандай бойликдан афзалдир. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий, ёлгон сўзнинг миқдори озми, кўпми, барибир, у халқ ва давлат ишига, халқлар ўртасидаги муносабатга катта зарар етказишига алоҳида эътибор қаратади. Унинг фикрича, ёлгон оз миқдордаги сўзда ифодалансада, катта зарардир, чунки заҳар оз бўлсада у кишини ҳалок қилади. Игнанинг учи заиф бўлишига қарамай, кишининг кўзига тегса, кўр қилади.

Француз маърифатпарвар файласуфлари ахлоққа қандай муносабатда бўлганлар?

Агар XVII аср фалсафаси инсонни аклли мавжудот сифатида талқин қилган бўлса, XVIII аср фалсафаси инсонни кўпроқ эмоционал. ҳиссий томондан ўрганишга уринади. XVIII аср француз файласуфлари Д.Дидро (1713-1784), Ж.Ламетри (1709-1751), К.Гельвеций (1715-1771), П.Гольбах (1723-1789) этика таракқиётига катта ҳисса қўшдилар, ахлоқ муаммоларини илмий асосга қўйишга интидилар.

Француз файласуфлари Ньютон томонидан кашф этилган осмон жисмлари ҳаракатининг умумий қонунига ўхшаш умумий ахлоқ қонунини яратишга уриниб кўрдилар. Бу қонуннинг асосини «оқилона худбинлик» ғояси ташкил этиб, уни тўғри тушунилган шахсий манфаатни инсоний хатти-ҳаракатнинг ягона ва умумий меъёри сифатида талқин қилдилар.

Француз файласуфлари Спиноза сингари инсон яхши бўлиб ҳам, ёмон бўлиб ҳам туғилмайди, деб таъкидлайдилар. Инсон ўзининг шахсий манфаати учун яхши ёки ёмон ишга юради. Гельвеций ўзининг «Ақл тўғрисида», «Инсон, унинг ақлий қобилиятлари ва тарбияси ҳақида» асарларида шахсий манфаат тамойили ахлоқнинг асоси эканлигини ҳар томонлама асослаб беради. Инсоннинг ҳар қандай муҳокамаларини манфаат бошқаради, манфаат инсон фазилатларининг ягона мезони эканлигини исботлашга уринадилар. Кишиларнинг фазилатлари ва нуқсонлари фақат шахсий манфаатнинг қандайлигига боғлиқ. Аммо шахсий манфаат ижтимоий манфаатга мувофиқ келгандагина яхшиликдир, акс ҳолда у ёмонликка айланади. Шахсий манфаатларни ижтимоий манфаатлардан айирадиган ахлоқ бемаъни, инсон табиатига зид бўлган ахлоқдир, деб таъкидлайди.

И.Кант ахлоққа қандай таъриф берган?

И.Кант (1724-1804) инсон фаолиятини ўрганар экан, инсон икки дунёда яшайди, сезгилари билан ҳис қилувчи сифатида табиат қонунларига, заруриятга бўйсиниб, ақли билан эса эркинлик асосида тафаккур қонунларига, ахлоқ қоидаларига итоат этиб яшайди, деб кўрсатади. Шунинг учун ҳам «ахлоқ – ақл меваси» деган ғояни илгари сурган. Кант шундай дейди: «Икки нарса инсон руҳини доимо янгиликлар билан тўлдириб ва ҳайратга солади – бу менинг тепамдаги юлдузли осмон ва мендаги ахлоқий қонун». Кант ахлоқ фалсафасининг асосини «қатъий амр» тушунчаси ташкил этади. Унга кўра, инсон ахлоқининг моҳияти унинг ўз бурчига бўлган муносабати билан белгиланади. Фақат қатъий амр тамойил ва қоидаларига мос келадиган хулқ-атворгина ахлоқий саналади. Унинг мазмунидан куйидаги хулосалар келиб чиқади: 1) муайян шахс шундай шароит ва хоҳишга мос келадиган иш қилиш имконияти ва мажбуриятига эгаки, ҳар бир инсон хоҳлаган бошқа инсонга нисбатан шу ишни қилиши мум-

кин бўлсин; 2) муайян шахс бошқа кишиларга шундай ҳуқуқни бериш имкониятига эга бўлиш мумкин ва бериши лозим ҳамда шу ҳуқуқларни амалга оширишда уларга ёрдам бериш керак; 3) ҳар бир шахс шундай интилишларга мос келмайдиган ҳаракатлардан сақланиши ва унга йўл қўймаслиги керак.

Кантнинг қатъий амр таълимотига кўра, инсон ўз саъй-ҳаракатида ўзи учун муайян манфаатни кўзламасдан, «соф» ахлоқий бурчга таяниши лозим. Унинг фикрича, кишиларнинг бош мақсади умумий ижтимоий бурчни бажаришдан иборат бўлсагина, барчага яхшилик келтириши мумкин. Кант ҳар бир инсоннинг бурчи оламда эзгуликни амалга оширишдан иборат бўлиши лозим, деб ҳисоблаган.

Олий ахлоқ инсонни фақат мақсад сифатида мавжуд деб ҳисоблайди, инсонга восита сифатида қарашни инкор этади.

Гегель ахлоқнинг тарихий характерини қандай ифодалаган?

Гегелнинг (1770-1831) «Рух феноменологияси» ва «Ҳуқуқ фалсафаси» асарларида этиканинг асосий масалаларига қарашлари баён этилган. Гегель ахлоқнинг тарихий характерини эътироф этиб, ахлоқни ҳар бир тарихий даврда янада юқорирак босқичга кўтарилиш хусусиятига эга эканлигини таъкидлаб, ахлоқий тараққиёт тўғрисидаги ғояни илгари суради.

Гегель инсон хатти-ҳаракатлари ва ниятларининг табиати муаммосини диалектик ҳал этади, шахс ҳулқини баҳолаш асосида мотивлар-сабаблар ҳам, натижалар ҳам ётиши лозимлигини таъкидлайди. У, майл инсоннинг ҳар қандай хатти-ҳаракатлари асосида ётади деб кўрсатади. Одамнинг маънавий дунёси унинг хатти-ҳаракатларини, фаолиятини белгилайди. Шунга мувофиқ индивиднинг ахлоқий ишончи, тасавури қандай бўлса, унинг хатти-ҳаракатлари ҳам шундай бўлмоғи керак. Файласуфнинг бу фикри ҳам диққатга сазовордир.

Гегель этикасининг асосини «виждон», «яхшилик», «ёмонлик» каби категориялар ташкил этади. Яхшилик – киши шахсий, индивидуал ахлоқининг умумий ирода билан уйғун ҳолда бўлиши, уларнинг узвий бирлигидир. Ёмонлик – шахс иродаси умумий иродага мос келмаган чоғда вужудга келади. Файласуф яхшилик ва ёмонликни умумий ироданинг ажратиб бўлмайдиган бир-бирига ўтадиган, бир-бирини инкор этадиган томонлари сифатида қарайди. Гегель унумдор меҳнатнинг юксак ахлоқийлигини эътироф этади. Ирода эркинлиги ҳақидаги таълимотида эркин ирода билан ўзбошимчаликни қатъий фарқлаш лозимлиги ҳақидаги ғояларни илгари суради.

Тест саволлари

1. Энг қадимги ахлоқий таълимотлар қаерда юзага келган?

- A) Мисрда, Ҳиндистон ва Хитойда
- B) Қадимги Юнонистонда ва Римда
- C) Англия, Франция ва Италияда
- D) Америка Қўшма Штатларида.

2. Энг қадимги таниқли ахлоқшунос мутафаккирларни аниқланг:

- A) Фалес, Анаксимандр, Гераклит
- B) Сократ, Аристотель, Эпикур
- C) Демокрит, Анаксимен, Лукреций
- D) Гельвеций, Спиноза, Кант.

3. Ахлоқшунослик бўйича биринчи дарсликни ким ёзган?

- A) Гераклит
- B) Аристотель
- C) Демокрит
- D) Эпикур.

4. «Ахлоқ – бу бахт-саодатга эришиш йўлларини ўргатувчи фандир» – деган фикрнинг муаллифини аниқланг:

- A) Гераклит
- B) Демокрит
- C) Аристотель
- D) Эпикур.

5. Ахлоқнинг асосида шахсий манфаат ётади, деган фикрни ким биринчи бор илгари сурган?

- A) Гольбах, Гельвеций
- B) Форобий, Алишер Навоий
- C) Платон, Гегель
- D) Кант, Фейербах.

6. Ахлоқий тараққиёт ғоясига ким асос солган?

- A) Гегель
- B) Кант
- C) Ибн Сино
- D) Жомий.

7. «Ахлоқий амр» тушунчасини ким яратган?

- A) Кант
- B) Сократ
- C) Платон
- D) Гегель.

8. Ахлоқнинг асосида севги ва муҳаббат ётади, деган фикрнинг муаллифи ким?

- A) Фейербах
- B) Сократ
- C) Платон
- D) Саъдий Шерозий.

9. Энг қадимги ахлоқий таълимотлар қандай ёзма манбада ифода этилган?


- A) Кайковуснинг «Қобуснома»сида
- B) «Авесто»да
- C) «Инжил»да
- D) Аристотелнинг «Ахлоқи кабир»ида.

10. Энг қадимги халқларнинг ўз Ватани ва ўз халқиға муҳаббат фазилатларини ифодалайдиган огзаки ижодиёт намуналарини аниқланг.

- A) «Гўрўғли» достони
- B) «Алпомиш» достони
- C) «Тўмарис» ва «Широқ» афсоналари
- D) «Қирқ киз» достони.

МАВЗУГА ОИД МАНТИҚИЙ – СТРУКТУРАВИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова





МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН МАШҚЛАР

Қуйида келтирилган ҳикматли фикрларни ахлоқшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинг:

1. Фақат буюк ходисаларгина буюк инсонларни яратади (Ж.Ж.Руссо).

2. Фақат ягона эзгулик бор у ҳам бўлса – билим. Ягона ёмонлик бор, у ҳам бўлса – билимсизлик.

Инсон мукамаллиги – қалб ҳолатидир (Сукрот).

3. Ҳасад – қалб учун заҳардир (Вольтер).

4. Пифагор ҳикматларини таҳлил қилинг:

- Фақат биргина тафаккурга, доно устоз сифатида умрбод ишониш мумкин.

- Ҳаммадан олдин ўз хурматингни йўқотма.

- Ғазабланган вақтда сўзлаш ҳам, ҳаракат қилиш ҳам мумкин эмас.

- Икки нарса инсонни худога монанд қилади: жамият эзгулиги ва ҳақиқат учун яшаш.

- Лочин бўлишни истасанг, қарғалар орасида биринчи бўлишга интилма.

- Буюк ишларни қил, уни ваъда бермасдан.

- Тиғ билан ўт қалама (яъни ғазабланаётган инсонларга тегма).

- Юкни ортувчилар билан бирга бўл, юкни ташловчилар билан эмас (яъни меҳнат қилиб яша, ялқов бўлиб эмас).

- Тарозидан сакраб ўтмагин (яъни адолатни ҳеч қачон бузма).

- Андуҳ билан юрак емирма (яъни эхтирос ва мусибат билан қалбни эзаверма).

- Эрталаб уйғона туриб ўзингга савол бер: «Нима қилишим керак?»

Кечқурун ёта туриб яна савол бер: «Нима қилдим деб?»

5. Конфуций (Кун-цзи) ҳикматларини таҳлил қилинг:

- Олижаноб одам тўйгунча овқат ейишга, бойликка интилмайди. У ишга ошиқади, гапга шошмайди. Яхши одамлар билан суҳбат қурганда ўзини тўғрилаб боради.

- Яхши одам доимо ўз бурчини билади, тубан одам фақат фойдасини билади.

- Донишманд ўз қусурларидан уялади, лекин уларни йўқотишдан эмас.
- Мукамал инсон ҳамма нарсани ўзидан излайди, тубан эса ўзгалардан.
- Агар сенда ёмон фикр бўлмаса, ёмон ҳаракат ҳам бўлмайди.
- Ахлоқи сендан паст бўлган одамлар билан дўстлашма.
- Донолик ҳавотир билмайди, инсонийлик юмуш билмайди, ботирлик кўрқув билмайди.

3-МАВЗУ. АХЛОҚНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ. АХЛОҚ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ БОШҚА ШАКЛЛАРИ

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Ахлоқнинг таркибий тузилиши, ахлоқий онг, ахлоқий фаолият, ахлоқий муносабатлар, ахлоқ мотивлари, ахлоқнинг жамиятни юксалтиришидаги роли.*

Маъруза режаси

1. Ахлоқнинг таркибий тузилиши тушунчаси. Ахлоқий онг ва унинг элементлари.
2. Ахлоқий амалиёт, фаолият, муносабатлар, хатти-ҳаракат. Хулқ ва унинг мотивлари.
3. Ахлоқий муносабатлар ва уларнинг бошқаруви ёки ҳимоя вазифалари.
4. Ахлоқ ва маънавий ҳаётнинг бошқа шакллари.

Муҳокама учун саволлар ва консултатив материаллар

Ахлоқнинг таркибий тузилиши

Ахлоқнинг таркибий тузилиши: ахлоқий онг, ахлоқий фаолият, ахлоқий муносабатлардан иборат. Ахлоқ ўзгарувчан мураккаб ижтимоий ҳодиса. Ахлоқнинг моҳияти ва табиатини тушиниш учун унинг таркибий тузилиши, шаклланиши ҳамда қарор топиши қонуниятларини билмок лозим. Ахлоқ киши ва жамият ўртасидаги объектив ўзаро боғланишнинг маънавий ифодаси, умумий ва индивидуал манфаатларни мувофиқлаш заруриятининг намоён бўлишидир. Шунингдек у шахс билан жамият ўртасида юзага келадиган зиддиятларни бартараф этишнинг асосий шаклларида биридир. Ахлоқни ҳуқуқ сингари ижтимоий қонун-қоидаларга ҳам, субъектив кўрсатмаларга ҳам киритиб бўлмайди, чунки ахлоқ индивидуалликдан ижтимоийликнинг қарор топиши усулларида биридир. Шу сабабли ахлоқни фақат ахлоқий онгдангина иборат деб қараб бўлмайди. У *ахлоқий онг, ахлоқий амалиёт, ахлоқий муносабатлардан* иборат бўлган, мантиқан мукамал шаклий бирликка эга. Бу элементларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, улар ўзаро боғлиқ, уларни назарий жиҳатдангина ажратиб олиш мумкин. Шунингдек, ахлоқнинг барча элементлари бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ бўлсада, улар нисбий мустақилдир.

Ахлоқий онг ва унинг элементлари

Ахлоқ тизимида, унинг таркибий тузилишида энг фаол элемент ахлоқий онгдир. Ахлоқий онг ахлоқий талабларни, қоидалар (нормалар)ни, адолат ҳақидаги тасаввурларни шакллантирадиган қарашлар, гоёлар, фикрлар, назариялардир. Инсоннинг ҳар қандай хатти-ҳаракатлари онг орқали бажарилади, аммо жамият уларни саралаб, манфаатдор бўлганларинигина юзага чиқаради. Ахлоқий онгнинг ижтимоий аҳамияти ҳам амалий аҳамияти ҳам шундадир. Ахлоқий онгда воқелик қонунлар сифатида эмас, балки инсоний хатти-ҳаракатларга қўйилган ижтимоий тартиб, талаблар, нормалар шаклида қайд этилади. Ахлоқий онг *ижтимоий* ва *индивидуал* онгга бўлинади. Шу сабабли ахлоқий онг бир томондан, жамият ёки гуруҳнинг талаблари нормативларини ифодаласа, иккинчи томондан, шу талабларни англашнинг индивидуал, шахсий шакли ва уларни амалда намоён қилишдир.

Ахлоқий онгда ахлоқий қоида(норма)лардан ташқари одатлар ва анъаналар, ҳаётий тажриба ва ақл чамбарчас боғланиб кетади ва ҳаётда яхлит ҳолда намоён бўлади. Бу ҳақида И.Кант «ҳиссий тажриба бўлмаса, ақл бўм-бўш; ақл иштирок этмаган ҳиссий тажриба эса кўрдир», -деб таъкидлаган эди. Шу маънода ахлоқий онг шаклланиши учун инсоннинг ҳаётий тажрибаси қанчалик муҳим бўлса, билим ва тафаккур инсоннинг эзгу амалларига хизмат қилсагина шахс ва жамият раванқ топади.

Ахлоқий ишонч ва сифатлар

Ахлоқийлик ижтимоий талабларнинг ҳаққонийлигини англашига эмас, балки у ёки бу ахлоқий дастурларга риоя қилиш учун тўла тайёрликни билдиради. Шунинг учун, ахлоқий ишонч шахснинг ҳаётий фаолият йўналишини, унинг мақсадга интилиши, ҳуққнинг яширин мотив(сабаб)лари системасини ҳамда унинг умумий нуқтаи назарини, ҳаётий мўлжалларини, ҳаётининг маъносини белгилайди. Ахлоқий ишонч ўзида *рационал* ва *эмоционал* томонларни ифодалаб, хатти-ҳаракатларига турғунлик беради, шахснинг ахлоқан «зангламаслигига» қафолат яратади, киши ҳар қандай кийин шароитларда ҳам ўз принципларидан қайтмаслигини англатади.

Ахлоқий онгнинг ўзига хос ва айни пайтда энг муҳим таркибий қисмларидан бири шахснинг ахлоқий сифатларидир. Киши-

ларнинг ахлоқий сифатлари яъни фазилатлари ижтимоий, сиёсий, иқтисодий сабаблар билан изоҳланади. Ахлоқий сифатлар *ижобий* ва *салбий* бўлади. Ижобий ахлоқий сифатларга (биз буни фазилатлар деб ҳам юритамиз) масалан, меҳнатсеварлик, камтарлик, хушмуомалалик, эзгулик, садоқат, самимият, инсоф, андиша, ҳаё сингарилар киради. Бу бизнинг ахлоқий кадриятларимиздир. Салбий сифатларга (буни иллатлар дейишимиз ҳам мумкин) масалан, хоинлик, порахўрлик, иккиюзламачилик, лаганбардорлик, ҳасад, дағаллик, иродасизлик, мунофиқлик, шахсиятпараслик, худбинлик, мансабпараслик кабилар киради.

Ахлоқий амалиёт

Ахлоқий онг кишиларнинг хатти-ҳаракатларида, уларнинг амалий ҳаётида намоён бўлади. Шу сабабли ахлоқнинг иккинчи элементи – ахлоқий амалиётдир. *Ахлоқий амалиёт* – ахлоқий онг ҳодисалари, яъни мотивлар, ниятлар, дунёқараш, ахлоқий кадрқиммат, идеаллар ва ҳ.к.ларда намоён бўладиган *хулқни, сонсаноксиз хатти-ҳаракатлар, алоқа ва муносабатларни ахлоқий мақсадларга онгли бўйсундиришидир*; хусусан, инсоннинг меҳнатга, жамоага, оилага, қариндошларга, дўст-биродарларга муносабати, фан, санъат, маданият соҳасидаги фаолияти, шунингдек, кишининг ўзи гувоҳ бўлган ёки қатнашаётган кундалик ҳаёт воқеаларига муносабати ва бошқалардир. Шундай қилиб, ахлоқий амалиётда шахснинг жамиятга муносабатигина эмас, балки жамиятнинг шахсга, шунингдек, шахснинг табиатга ва ўз-ўзига муносабати ҳам ўз ифодасини топади.

Ахлоқий хатти-ҳаракат

Ахлоқлилик, хулқ – ахлоқий амалиётга қараганда торроқ тушунча. *Хулқ кишининг онги ва иродаси билан белгиланадиган ахлоқий хатти-ҳаракатларнинг мажмуи, тизимидир*. Кишиларнинг ахлоқий хулқи ахлоқий неъматларни шакллантириш, жамиятнинг ахлоқий муҳитини яратишда муҳим аҳамиятга эга. Хулққа хос хусусият, унинг муҳим элементи хатти-ҳаракатдир. Хатти-ҳаракат, мотив кишининг ижобий ёки салбий хислатлари намоён бўладиган фаолиятдир. Бошқача қилиб айтганда, *хатти-ҳаракат инсоннинг онгли йўналтирган ва яқунланган фаолиятидир*.

Хатти-ҳаракатлар тўғридан-тўғри фаолият қилишдангина иборат эмас. Улар – сукут, пассивлик, лоқайдлик ёки бўлмаса имо-ишора, қилиқ, оҳанг тарзидаги муносабатларда ҳам ифодаланиши мумкин.

Хулқда, инсоннинг *хатти-ҳаракатларида, унинг ички, маънавий дунёси, фикри, туйғуси, интилишлари, одоби акс этади*. Жамиятда мавжуд бўлган ахлоқий талабларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий кўринишлари хатти-ҳаракатда намоён бўлади. Ахлоқ – онг ва фаолият бирлиги тарзида, яхшилик ва ёмонлик, адолат ёки адолатсизлик, виждонлилик ёки виждонсизлик сифатида шахснинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Шу сабабли, инсоннинг хулқи ва хатти-ҳаракатларига қараб, биз ўз мулоҳазаларимизни билдира оламиз.

Маълумки, бир ҳаракатнинг ўзи турли вазиятда яхшилик, ёки ёмонлик тариқасида баҳоланиши мумкин. Бундай ҳолда ахлоқий баҳо ҳар доим ҳам объектив бўлавермайди. Ахлоқий баҳолаш нотўғри, субъектив бўлмаслиги учун муайян жамиятда фақат бирдан-бир мумкин бўлган ахлоқий муносабатларнинг объектив мезонига, умуминсоний характериға таянмоқ керак.

Ахлоқий муносабатлар

Ахлоқнинг учинчи элементи ахлоқий муносабатлардир. Ахлоқий муносабатлар – ижтимоий муносабатларнинг таркибий қисмидир. Ижтимоий муносабатларнинг ҳар қандай тури сингари, ахлоқий муносабатлар ҳам ахлоқ нормалари билан чекланган, шахс ва жамият, кишилар ўртасида алоқалар, боғланишлар тарзида мавжуд. Шунга асосан ахлоқий муносабатлар ўз шаклиға кўра *эпизодик* (ўткинчи, масалан: ҳалокатға учраган одамға ёрдам кўрсатиш) ва *турғун* (масалан: оила, жамоа, гуруҳ, маҳаллада шаклланган муносабатлар) турларига бўлинади. Аммо ахлоқий муносабатлар – бу фақат алоқалар, боғланишлардангина иборат бўлмай, айна пайтда норматив асосға эға бўлган ўзаро таъсирни, кишининг бошқа одамлар, жамият олдидаги *бурчларини* ҳам ўз ичига олади.

Ахлоқий муносабатлар, одатда, дастлаб оддий, моддий муносабатлар асосида шакллана бошлайди. Сўнгра эса таракқий қилиб моддий муносабатлардан ажралиб чиқиб, мафкуравий, ғоявий, маънавий муносабатлар соҳасиға кириб боради.

Ахлоқнинг ижтимоий функциялари

Ахлоқ «ўз-ўзидан» ҳаракатлантирувчи тизим сифатида маънавий ҳаётнинг энг муҳим ва кенг соҳаси бўлиб функционал хусусиятга эга. Унинг барча функцияларидаги мураккаб диалектик ўзаро алоқадорликка қараб ўзига хос хусусиятларини ва вазифаларини бажариши мумкин. Одатда, ахлоқнинг умумий функциялари: тартибга солиш (бошқарув), баҳолаш, билиш, тарбиялаш, социаллашув (фаоллаштирувчи) функцияларидан иборат деб ҳисобланади. Амалда, уларнинг барчаси бир-бирини тўлдиради ва бир-бирига ўтиб туради, бири бошқаси орқали (кетма-кет) амалга ошади. Ахлоқнинг ижтимоий функциялари шахсий ва ижтимоий манфаатларнинг ўзаро уйғунлашувини таъминлар экан, шу орқали жамият мавжудлиги ва ривожланишининг зарурий шартини бўлган тартиб-интизомга риоя қилишни ифодалайди.

Ахлоқнинг бошқарув (тартибга солиш) функцияси бошқа функцияларига нисбатан кўпроқ даражада уюштирувчи хусусиятга эга. Ахлоқ фақатгина йўл-йўриқ, кўрсатма бериб қолмайди, у шахсни маълум хатти-ҳаракатга йўллайди, айрим ҳолларда қатъий буйруқ беради. Шу билан ахлоқни тартибга солиш функцияси ахлоқий талаблар, ҳулқ намуналарини ишлаб чиқади.

Ахлоқни баҳолов функцияси биринчи навбатда ана шу тақдим этилган намуналарга кишиларни риоя қилиши учун ижтимоий назорат вазифасини бажаради. Баҳолаш – ахлоқнинг таъсирчанлигини оширади. Баҳолаш бўлмаса, ахлоқли бўлиш мумкин эмас. Агар эстетик баҳоловнинг асоси гўзаллик ва ҳунуклик, ҳуқуқий баҳоловнинг асоси – қонунийлик ёки қонунсизлик бўлса, ахлоқий баҳолов эса ҳамиша яхшилик ва ёмонлик негизида қўрилади.

Ахлоқнинг билиш функцияси ижтимоий муносабатларни қонуний тарзда эмас, балки жамиятни талаблари ва шахс манфаатлари акс этган муайян мақсадлар, ғоялар, тасаввурлар, орзу-умидлар, хоҳишлар тарзида акс эттиради. Ахлоқий онг ахлоқий норма (қоида) ва принцип (тамойил)лар орқали жамиятдаги ўзаро алоқаларни ҳамда шахснинг жамиятга бўлган муносабатини тартибга солади. Ахлоқий онгда воқелик нақадар тўғри акс этса, ахлоқий омиллар шу қадар сафарбарлик аҳамиятига эга бўлади. оммавий қаҳрамонлик, фидоийлик ва меҳнат зафарларининг манбаи сифатида ахлоқий ташаббус вужудга келади.

Тест саволлари

1. Ахлоқий онгнинг ўзига хослиги, бетакрорлиги нимада?

- A) бевосита инсонга боғлиқлигида, унинг моҳиятини белгилашида
- B) доимийлигида, кишининг кундалик ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлигида
- C) тарихий жиҳатдан энг қадимийлигида
- D) ижтимоий онгнинг бошқа шакллари билан узвий боғлиқлигида.

2. Сиёсий ва ахлоқий онгнинг бир-бирига таъсирини аниқланг:

- A) сиёсий мафкура ахлоққа таъсир қилмайди
- B) сиёсат нафақат ахлоққа, ижтимоий онгнинг бошқа шаклларига ҳам таъсир кўрсатади
- C) сиёсий онг ва сиёсий қарашлар юксак ахлоқий меъёрларни ўзида мужассамлаштироғи лозим
- D) инсонпарварлик гояларини ўзида мужассам этган сиёсат ижтимоий тараққиёт ва бахт-саодатнинг асосидир.

3. Ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларнинг бир-бирига таъсирини аниқланг:

- A) ҳар иккиси ҳам кишиларнинг муайян жамиятда роя қилишлари лозим бўлган юриш-туриш қондаларини ифода этади
- B) ҳуқуқий меъёрлар ахлоқан юксак адолат тамойилларига асосланмоғи керак
- C) ҳуқуқий меъёрларнинг ахлоқий қондаларга ҳеч қандай таъсири йўқ
- D) ҳуқуқий қонунлар жамият аъзоларининг ҳаётий ички эҳтиёжларига айланиб бормоғи лозим.

4. Ахлоқ ва фаннинг бир-бирига муносабатини аниқланг:

- A) илм-фан ахлоқий баркамоллик негизидир
- B) юксак ахлоқий меъёрларни ўзида мужассамлаштира олган одамгина ижтимоий тараққиётга хизмат қилади
- C) фаннинг ахлоққа ҳеч қандай алоқаси йўқ
- D) ахлоқ фан ривожига таъсир қилмайди.

5. Ахлоқ ва санъатнинг бир-бирига таъсирини аниқланг:

- A) ҳақиқий санъат инсонни юксак ахлоқий руҳда тарбиялайди
- B) юксак ахлоқий ғояларни ўзида мужассамлаштирмаган санъат асарлари ҳеч қандай қийматга эга эмас
- C) мумтоз санъатгина ахлоқ учун хизмат қилади
- D) баъзи санъат асарлари ахлоққа таъсир кўрсатади.

6. Ахлоқ ва дин ўртасидаги алоқадорликни аниқланг:

- A) диний қарашлар тўла-тўқис ўзида ахлоқий таълимотларни мужассамлаштиради
- B) ҳар иккаласининг мақсади инсонни тўғри йўлга бошлашдир
- C) юксак ахлоқий комиллик - мақсад, дин эса - воситадир
- D) диний ахлоқ ва умуминсоний ахлоқ бир-биридан мустақил мавжуд бўлади.

7. Ахлоқ билан тарбиянинг бир-бирига муносабатларини аниқланг:

- A) ахлоқ тарбиянинг назарий асоси
- B) тарбия ахлоқий меъёрларнинг идеал асоси
- C) ахлоқ ва тарбия бир бутун ягона жараён бўлмоғи лозим
- D) ахлоқ ва тарбия жамият билан бирга пайдо бўлган.

8. Ватанпарварлик туйғусини қандай тушунасиз?

- A) тугилиб ўсган ерни севиш ва эъзозлаш
- B) ўз халқи ва миллатини севиш, ардоқлаш
- C) бундай туйғу нисбий характерга эга, кишининг тугилиб ўсган жойи эмас, унинг фаровон яшаган жойи унинг Ватани
- D) инсоннинг ўз она тили, тарихи ва маданиятига, халқи ва миллатига бўлган мухаббати, уларни эъзозлаши.

9. Инсонпарварлик туйғусини қандай тушунасиз?

- A) инсоннинг ўзи учун, ўз уруғ-аймоғи учун қайғуриши
- B) имконияти чекланган инсонларга гамхўрлиги
- C) инсонларни севиши, ёрдамга мухтож кишига меҳр-шавкат қилиб ёрдам бера олиши, ростгўй, адолатпарвар, ахлоқан баркамол инсонпарвар деган номга сазовор бўла олиши
- D) инсонпарвар бўлиш қийин, чунки бу мавҳум тушунча. чиройли ибора холос: одамлар ўртасидаги рақобат ҳисси қучлироқдир.

10. Меҳр-оқибат деганда нимани тушунасиз?

А) инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат беғараз тарзда бўлиши лозим

В) меҳр-оқибат моддий фаровонликка боғлиқ, хотамтойлик ўзи курук жойда бўлмайди

С) инсоннинг ўз касбига, меҳнатига, ота-онаси ва фарзандларига, қариндош-уруғларига ҳамда муҳтож барча кишиларга сидқидилдан қилган муносабати ва беғараз ёрдами

Д) меҳр-оқибат кишининг маънавий етуқлиги ва юксак маданиятининг натижасидир.


МАВЗУГА ОИД МАНТИҚИЙ – СТРУКТУРАВИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова





Ахлоқ ва маънавий ҳаётнинг бошқа шакллари



МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН МАШҚЛАР

Қуйида келтирилган ҳикматли фикрларни ахлоқшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинг:

1. Амал ниятга боғлиқ. Амал ниятнинг гаровидир.
2. Яхшиларнинг яхшиси, яхши хулқлиқдир.
3. Бекорчилик кўнгилни қаттиқ қилади.
4. Дўстлик ярим донишмадликдир.
5. Жамоат – раҳмат, парокандалик – азобдир.
6. Энг яхши амал фойдали амалдир.
7. Одамларнинг энг яхшиси халойиққа кўпроқ фойдаси тегадигандир.
8. Мураса қилмоқ ҳикмат асосидир.
9. Ўзгалар қисматидан ибрат олган киши бахтлидир.
10. Илмига амал қилган бахтлидир.
11. Қаноат туганмас, поёни йўқ бойликдир.
12. Яхши сўзларни сўзланг – фойда топасиз, қабиҳ сўзларни сўзламанг – саломат қоласиз.
13. Худбинлик ақлсизликнинг бошидир.
14. Ибрат олмоқ гуноҳ ва хатолардан қутилишнинг натижасидир.
15. Хатолардан пушаймон бўлмоқ уни ўртадан қўтаради.
16. Ким ҳамма нарсага эришганман, деб ўйласа у ҳеч нарсани билмайди (Лао-Цзи).
17. Кимки инсонларни билса - у ақлидир. Ўзини билган – маърифатлидир. Инсонларни енгган – кучлидир. Ўз-ўзини енгган – буюқдир (Лао-Цзи).
18. Меъёрни билган ўз ҳаётидан коникади. Кўпни билган – индамасдир, кўп сўзлайдиган, ҳеч нарсани билмайди (Лао-Цзи).
19. Худбинлик ақлсизликнинг бошидир.
20. Одамзод ўз замонининг фарзандидир.

4-МАВЗУ. ИРОДА ЭРКИНЛИГИ ВА ШАХСНИНГ АХЛОҚИЙ МАСЪУЛИЯТИ. АХЛОҚИЙ БАҲО

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Ирода эркинлиги, ахлоқий масъулият, эркинлик, зарурият, танлаш эркинлиги, фатализм, волюнтаризм, ахлоқий баҳо, ахлоқий масъулият.*

Маъруза режаси

1. Эркинлик ва зарурият ҳақидаги турли назариялар.
2. Эркинлик ва зарурият – шахс хулқ-атворининг ахлоқий мезони. Танлаш эркинлиги.
3. Ахлоқий баҳо мезони.

Муҳокама учун саволлар ва консултатив материаллар

Ахлоқий эркинлик ва заруриятни қандай тушунасиз?

«Эркинлик» ва «ахлоқий эркинлик» тушунчалари ўзаро умумийлик ва хусусийлик тарзида боғланган. Бунда «эркинлик» жамиятнинг ҳолатини, унинг шахсга ўз қобилиятларини эркин намойиш қилиш учун бера оладиган реал шароитларни ифодаласа, «*ахлоқий эркинлик*» шахснинг ички маънавий ҳолатини, унинг жамият яратган шароитларда *ахлоқий талабларни англаш ва қабул қилиш ҳамда уларга ихтиёрий бўйсунганини* ифодалайди. Шахснинг ахлоқий эркинлик муаммоси фақат унинг умумфалсафий ва социологик томонларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилиши мумкин.

Ахлоқий эркинлик деганда биринчи навбатда кишининг мустақил, ижодий шахс бўла олиш имконияти ва қобилиятини тушуномқ лозимки, у чинакам инсоний моҳиятини ахлоқий фаолиятда намоён қила олади. Ахлоқий эркинликни ахлоқий заруриятдан ажратиб қараш мумкин эмас. Фалсафа – зарурият деганда, ҳодисаларнинг ўз ички хусусиятларидан муқаррар келиб чиқадиган табиат ва жамиятнинг объектив қонунларига мувофиқ келадиган ривожланишни тушунади. *Ахлоқий зарурият* – бу тарихан зарурий, объектив характерга эга, ижтимоий муносабатларга мувофиқ бўлган ахлоқий талаблар тизимидир.

Ахлоқий эркинлик шахснинг ахлоқий заруриятни тушунишига ва фаолиятини унга мослаштиришига боғлиқ. Шу сабабли, эркинлик билан заруриятнинг ўзаро муносабати, кўп жиҳатдан, ахлоқнинг моҳиятини тўғри тушуниш билан белгиланади.

Ирода эркинлиги ҳақида қандай қарашлар мавжуд?

Эркинлик билан заруриятнинг ўзаро муносабатида ирода эркинлиги масаласига алоҳида ўрин тутлади. Ижтимоий тараққиётнинг (тарихий зарурият) объектив жараёнлари билан ирода эркинлигининг (кишиларнинг тарихдаги субъектив фаолияти) ўзаро муносабати муаммоси турли даврларда турли ахлоқий оқим намояндаларини кизиқтириб келган.

Ирода эркинлиги масаласи билан бир инчи бор юнон фойласуфи Сократ шуғулланган. У ирода эркинлигини кишининг ақл билан танланган йўлдан юриши учун ақлга номувофиқ, бўлган ҳаракатларни бартараф этишга ўзини мажбур қилиш; *ақлнинг ҳиссий майллар устидан ғалабасини таъминлаш* деб тушунган. Унинг фикрича, *ирода эркинлигига* ақлий ривожланиш орқали, хусусан *ахлоқий билимни эгаллаш* орқали эришиш мумкин. Масалан, ҳар бир фазилат у ёки бу турдаги билимлардан иборат. Мардлик – кўркувни даф қилишни, донолик – қонунларга риоя қилишни, қаноатлилик – ўз ҳиссиётларига эрк бермасликни, адолат яхшилиқни қандай қилиб амалга оширишни ўргатади.

Кант фалсафасида ирода эркинлиги ва масъулият масаласига кенг ўрин берилган. У эркинлик билан заруриятни бирлаштиришга ҳаракат қилган. Кант этика тарихида «ахлоқий қонун» – қатъий амр (қатъий императив) ҳақидаги ўз назарияси билан из қолдирди. Кант кишилардан ахлоқ нормаларига қатъий риоя қилишни, ўз фаолияти ва хатти-ҳаракатларини таҳлил қилишни талаб қилади.

«Ўз фаолиятини таҳлил қилмай ва ахлоқ нормаларига риоя қилмай туриб, ўзидан завқланадиган кишининг ҳаёти қадр-қимматга эга эмас»,- деб такрорлайди у. Чунки ахлоқий қонунга бўйсунуш шахснинг ахлоқий камолотга ва ахлоқий эркинликка эришувининг асосий шартидир.

Фатализм ва волюнтаризм тушунчаларига изоҳ беринг

Ўтмишдаги кўпгина фойласуфлар объектив зарурият ва субъектив ироданинг диалектик бирлиги ва қарама-қаршилигини тушунмай, масаланинг гоҳ бир томонини гоҳ бошқа томонини мутлоқлаштирадilar.

Уларнинг баъзилари *фаталистлар* (яъни лотинча «*fatum*») - тақдир сўзидан олинган) нарса ва ҳодисаларнинг объективлигини тан олганликлари ҳолда инсоннинг эркин ижодий яратувчилик имкониятларини, унинг ўз хулқини эркин танлаш имкониятини, ўз хатти-ҳаракатлари учун ахлоқий жавобгарликларини ҳисобга олмайдилар.

Уларга қарама-қарши *волюнтаристлар* (лотинча «voluntas» - ирода сўзидан олинган) бошқа йўналишлардан фарқли ўларок, идрокни, тасаввурни ёки тафаккурни эмас, балки иродани бирламчи деб эътироф қиладилар. Бу йўналишдаги файласуфлар тарихий заруриятни бутунлай инкор этган ҳолда фақат *инсон иродасининг мутлоқ эркинлигини*, ҳеч бир сабабларга боғлиқ бўлмаган иродани тан оладилар. Улар ҳақиқий ахлоқ ташки омилларга тоқат қилолмайди, деган қоидага таяниб, ахлоқий эркинликни индивидуал бойлик, олдиндан белгиланган муайян мақсадларга боғлиқ бўлмаган, ўз ниятлари ва қарорларигагина мослаштирилган хатти-ҳаракатлар қилиш имконияти деб тушунадилар. Демак, *фатализм* шахсни хатти-ҳаракатлар учун маъсулиятдан, жавобгарликдан мутлақо озод қилса, *волюнтаризм* уни бутунлай одамнинг гарданига юклайди. Натижада бу икки йўналишнинг ҳар иккиси эркинлик ва заруриятни бир-биридан бутунлай ажратиб қўяди.

Гегель ирода эркинлиги ҳақида

Гегель ирода эркинлигига диалектик ёндошар экан, уни уч босқичда, яъни табиий ҳолатда, формал ва онгли ирода ҳолатида ривожланишини таъкидлайди.

Табиий ирода – инсон эркинлиги тараққиётидаги бошланғич босқичдир. Гегель бунни табиий ирода дейишига сабаб, инсон иродаси табиий ҳолатда шундайдир. У ўзининг чексиз ва ноаниқ истак, хоҳиш ва қизиқишлари билан белгиланади.

Инсоннинг қобилиятига биноан, *ирода ўзбошимчалик босқичида* турли-туман ташки шароитларда ва ўзининг бир неча истак қизиқишларидан биронтасини эркин танлайди. Шунинг учун ҳам Гегель уни ўзбошимчалик, «формал эркинлик» деб атайди.

Гегель назарида, ирода эркинлигининг ўзбошимчалик босқичини инкор этиб, чинакам *онгли ирода* бос кичига кўтарилиши лозим. Бунда у фақат шакли билангина эмас, балки мазмунига кўра ҳам эркин бўлади, яъни заруриятни англайди.

Ахлоқий баҳонинг меъёри

Умуман, *ахлоқий баҳо* деганда, ижтимоий ҳаётдаги турли ҳодисаларни маъқуллаш ёки қоралаш, уларнинг ахлоқий талабларига, конкрет ижтимоий жамоанинг ахлоқий руҳига мос келиши ёки келмаслигини белгилаш тушунилади. Ахлоқий баҳо ўз

мазмунига кўра: *ижобий, салбий, индивидуал* ёки *жамоага хос* бўлиши, *ниҳоят адолатли ёки адолатсиз* бўлиши мумкин. Ҳамма нарсани фақат эркин ирода устига ағдаравермасдан, инсоннинг хатти-ҳаракатларига жиддий ва тўғри баҳо бериш мумкин.

Шахснинг жамиятдаги хулқига қўйиладиган талаблар ва унинг хатти-ҳаракатига бериладиган баҳо, субъектив қабуллашга (масалан, кимгадир ёқиши ёки ёқмаслигига қараб) эмас, балки унинг ижтимоий манфаатларга, ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунларига мувофиқ келишига асосланади. Ахлоқий баҳолашнинг объективлик мезони ижтимоий ва шахсий манфаатларнинг ўзаро уйғунлиги билан белгиланади.

Шахснинг фаолиятини, унинг масъулияти ва айбини тўғри баҳолаш учун шахсни фаолиятга ундаган мотив(сабаб)ларни, ниятлар йиғиндисини аниқлаш лозим. *Мотив* кишининг ахлоқий онг даражаси кўрсаткичи ва у бошқа кишиларга муносабат амал қиладиган тамойиллар характерининг ифодаси бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, мотивга қараб киши ўз фаолиятида кўзлаган мақсадлари ҳақида ҳам фикр юрита оламиз, *мотивни мақсадлар ва вазиятлар шакллантиради*. Шу сабабли фаолиятга ахлоқий баҳо берганда, биринчи навбатда, шу фаолиятга асос бўлган мотив (сабаб)га эътибор бериш лозим.

Ирода эркинлиги нимани англатади?

Ирода эркинлиги – шахснинг, умуман, ўз хатти-ҳаракатлари, фаолияти, хулқини танлашда объектив мавжуд бўлган ахлоқий талабларни билиши ва улардан оқилона фойдаланишидир. Бу шахснинг ўз фикрлари, ҳиссиётлари, майллари устидан назорат қилиш қобилиятидир. Ирода эркинлиги, ҳамиша, *биринчидан* – танлаш учун реал имкониятлар борлигини тушуниш, яъни танлаш эркинлигини; *иккинчидан* – қабул қилинган қарорга эришишга қаратилган муайян интилишни, иродани ўз ичига олади.

Эркинлик ва ирода қарор қилиш актининг зарур элементлари бўлиб, оқибат натижада танлаш ҳам унга боғлиқдир. Танлаш ҳар қуни, ҳар дақиқада мавжуддир. Масалан, қаерга ўқишга кирсам экан? Қайси томонга ўтсам экан. ёки бетараф бўлганим маъқулми? Қандай яшамоқ керак? Нима қилмоқ лозим? ва ҳ.к. Кишига

кўп вақт бир қанча, баъзан жуда кўп ахлоқий ҳолатлардан бирини танлашга тўғри келади.

Киши танлаш эркинлигидан фойдаланиб, ўз нуқтаи назарини бошқаларнинг қараши билан солиштиради, ўйлайди, мунозара қиладди, ўз қарашларини ҳимоя қиладди. Танлаш имкониятларидан фойдаланади. *Имкониятлар кенглиги – эркинлик даражасидир.* Агар кишида танлаш имконияти бўлмаса ахлоқий фаоллик ҳам бўлмайди.

Инсон хатти-ҳаракатларида нисбий танлаш эркинлиги, нисбий ирода эркинлиги имкониятини мавжудлиги ахлоқнинг асосини ташкил этади. Тўғри қарор танлашда тафаккур билан қўлга киритилган табиат ва ижтимоий ҳаётнинг объектив қонунлари, аждодлар тажрибаси, шахсий амалиёт, дўстлар маслаҳати, қонунқондалар тўплами кишига ёрдам беради. Қабул қилинган қарорни амалга ошириш – уни ривожлантириш шарт-шароитини ҳам, ирода эркинлиги ҳам, яъни ахлоқий эркинликни талаб қиладди.

Шундай қилиб, *ахлоқий эркинлик ирода эркинлигининг намоён бўлиши*, объектив шароитларга ва субъектив истакларга жавоб берадиган фаолият вариантини танлаш имкониятидир. Бу мавжуд муқобил имкониятлардан исталган бирини, асосан дунёни янгилаш ва ривожлантириш манфаатларига кўпроқ даражада жавоб берадиган фаолиятни танлаб олиш ва уни амалга ошириш билан боғлиқ фаол ҳаракатдир.

Ахлоқий эркинлик

Ахлоқий эркинлик шахснинг мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракатларига онгли равишда шахсий ва ижтимоий манфаатлар ўртасида уйғунлик ўрнатишга қобиллигидан иборат. Шахснинг ижтимоий ва ахлоқий зарурият доирасида хатти-ҳаракатларни танлашда ўз иродасини намоён қилиш имкониятлари; ўз хулқини назорат қилиши, ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик имкониятлари – ахлоқий эркинлик соҳасидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, ахлоқий эркинликнинг энг муҳим белгиларидан бири хатти-ҳаракатни онгли равишда мақсадга мувофиқ танлаш амали билан бирга, шундай ҳаракат қилишнинг зарурлигига ҳуқуқий ёки сиёсий тазйиқ остида эмас, балки мустақил *ички эҳтиёж асосида маънавий ишонч* ҳосил қилишдир.

Ахлоқий эркинлик ахлоқий заруриятни тўғри ва чуқур тушунишни, ахлоқий нормаларни ўз маслағи ва ишончи сифатида

этироф этишни, уларга чин қалбдан ва истак билан амал қилишни, бунга ички эҳтиёж бўлишини назарда тутати. Ахлоқий эркинликнинг яна бир шарты – инсон доим илғор ахлоқ нормаларини бажаришга *мойил* бўлишини талаб қилади.

Демак, кишиларнинг барча хатти-ҳаракатлари ва фаолиятлари, уларнинг иродаси ва онги ҳамиша объектив, конкрет тарихий шароитлар, табиатда ҳам, жамиятда ҳам мавжуд бўлган объектив зарурият амали белгиланади.

Ахлоқий масъулият

Шахснинг ахлоқий масъулияти кишининг жамият олдида ва ўзи олдида хулқни танлаш ва уни баҳолаши учун ҳисоб беришда намоён бўлади. Ахлоқий масъулиятнинг икки ўлчови бор. Биринчиси, *ижобий ўлчов* бўлиб, у шахснинг жамият олдидаги вазифаларини онгли ва ихтиёрий этироф этишини, иккинчи *салбий ўлчов* бўлиб, у қилинган қилмишлари учун берилган жазонинг адолатли эканлиги англашини кўрсатади. Ахлоқий масъулият бурчни аниқ белгилаш ва уни шахсий маънавий бойликка айлантириш тариқасида намоён бўлади. Масъулият категорияси виждон категорияси билан ҳам узвий боғланган. Виждон сингари у ўз-ўзини тийишини, назорат қилишни тақозо этади. *Ахлоқий масъулият* категорияси *бурч ва виждон* категорияларига нисбатан бир мунча кенг, катта ижтимоий маънога эга.

Этика шахснинг ахлоқий масъулиятини жамиятга зарур бўлган эркин иродани чеклаш ҳамда шахснинг ижодий фаоллиги, унинг ирода эркинлиги ифодаси деб талқин этади. Масъулият – иродадан фойдалана билиш маҳоратидир. *Ахлоқий масъулият* ўзида бурч талаблари ва ички майлларни жамлаб, факатгина хатти-ҳаракат ва унинг оқибатларига эмас, балки унинг мотивларига ҳам тадбиқ этилишидир. Фаолиятда мотивлар ҳамда инсон ахлоқий қиёфасининг муҳим хусусиятлари намоён бўлади.

Шахснинг ахлоқий муносабатлари, феъл-атворида ижтимоийлик ва индивидуал, ўзига хос хусусиятларнинг акс этиши

Ахлоқ нормалари жамиятнинг иктисодий, ижтимоий-сиёсий тузилишига боғлиқ. Аммо бундан, жамиятга мансуб бўлган киши ўз онги ва феъл атворида мазкур жамият, даврнинг ахлоқий хусу-

сиятини тўла ва бир хил даражада акс эттиради, деган маъно келиб чиқмайди.

Шахс хулқ-атворининг ахлоқий кўрсаткичи ирода эркинлиги тўғрисидаги масала билан узвий боғлиқ. Бир хил шароитда ҳам одамларнинг хатти-ҳаракатлари, хулқи турлича бўлиши мумкин. Улар фидокор ёки кўрқок, олижаноб ёки бефаҳм, сахий ёки очкўз, меҳнатсевар ёки танбал, қатъиятли ёки қатъиятсиз бўлишлари мумкин ва ҳ.к.

Одамларнинг феъл-атвори уларнинг ўз олдига қандай мақсадларни қўйишларига, онги ва иродасига боғлиқ бўлади. Шу сабабли кишиларнинг бир хил шароитларда турлича ва хатто бир-бирига зид ҳаракат қилишлари мумкин. Шунинг учун ҳам одамларнинг хатти-ҳаракатларига ахлоқий ёки ахлоққа хилоф хатти-ҳаракат деб баҳо бериши мумкин. (Масалан, кишиларнинг меҳнатга бўлган муносабатлари ижобий ёки салбий бўлса).

Ахлоқ, одобни билиш, ўз бурчини англаш, ўртоқлик, ватанпарварлик туйғулари, ёки шу хислатларнинг йўқлиги кишининг феъл-атворида ўз ифодасини топади. Аммо, юқорида баён қилинган фикрларга асосланиб, кишиларнинг феъл-атвори ва хулқлари уларнинг эркин иродаси натижаси деб, уларнинг хулқлари ва ахлоқий нормалари ҳеч нарса билан шартланмаган, ҳеч нарсага боғлиқ эмас, деб ҳисоблаш мумкинми? Албатта бундай дейиш мумкин эмас. Чунки кишиларнинг қарашлари ва хулқида ўз ифодасини топган ахлоқ нормалари ижтимоий ҳаётга, оила тарбиясига, турмуш тарзига, шунингдек, шахс иродасига ҳам боғлиқ бўлади.

Ахлоқий масъулиятнинг объектив ва субъектив омиллари

Этика нуқтаи назаридан, шахснинг ахлоқий масъулият даражаси фақат *объектив* омилга эга эмас, амалнинг *субъектив* омилларига ҳам, яъни инсоннинг ақли, иродасига ҳам боғлиқ. Масалан: ўзининг маънавий ривожини учун зарур имкониятга эга бўлган инсон ўзи яшаб турган даврда нималарни билиши мумкинлигини англаши шарт. Шахс ахлоққа зид хатти-ҳаракатлари учунгина эмас, балки ўз дунёқарашининг чекланганлиги учун ҳам масъулдир.

Умуминсоний ахлоқ – жамоа ахлоқидир. Бизнинг жамиятимизда ўз устига масъулият олган киши жамоанинг дўстона ёрдамини кутишга ҳақлидир. Аммо жамоанинг гамхўрлиги инсондан шахсий масъулиятини бирор-бир даражада соқит

қилмайди. Жамиятимизда ҳар бир аъзонинг хулқи учун оила, маҳалла, жамоанинг ахлоқий масъулияти ортиб бораётганлигига қарамай, ҳар бир шахс ўз фаолияти учун аввало ўзи жавоб беради.

Шахс эркин танлаш, яъни танлай олишга қодирлиги ва танлагани учун, ўзи танлаган ижтимоий мақсадини муваффақият билан амалга ошириши учун масъулдир.

Тест саволлари

1. Ахлоқий эркинлик деганда нимани тушунасиз?

А) ахлоқий қонун-қоидаларга буйруқсиз, ички эҳтиёж асосида риоя қилишни

В) нимани хоҳласанг шуни қилишни

С) ижтимоий қонунларига итоат қилмасликни

Д) англаган заруриятни.

2. Ахлоқий масъулият нима?

А) инсоннинг ўз хатти-ҳаракатига жавобгарлик

В) инсон фаолиятининг тақдирга боғлиқлиги

С) инсоннинг вазиятни бошқаришга йўналтирилган ҳаракати

Д) инсоннинг ўз шахсий манфаатларини ижтимоий манфаатлар билан уйғун бўлишига масъуллиги.

3. Ахлоқий меъёрлар инсоннинг қандай муносабатларида намоён бўлади?

А) меҳнатга, ўз Ватани ва халқига, ўз касби-кори ва оиласига муносабатларида

В) ҳар қандай вазиятда ғолиб бўлиб чиқишга интилишида

С) ўз дўсти ва севгилисига садоқатли бўлишида

Д) илм олишга, касб-ҳунар ўрганишга интилишида.

4. Ахлоқий баркамоллик негизда нима ётади?

А) тақдир тақозосига амал қилиш

В) ўқиш, ўрганиш ва янгиликка интилиш

С) меҳнат қилиш, янгиликлар яратиш, жамиятга фойда келтириш ва бундан маънавий қониқиш ҳосил қилиш

Д) моддий бойлик ва маънавий етуклик.

5. Оддий ахлоқ меъёрларини аниқланг

А) ўз бурчига садоқатлилиги

В) ҳаёт мазмунини тўғри англаш

С) ҳалоллик, ҳақиқатгўйлик, инсонпарварлик, саҳийлик, меҳмондўстлик, хушмуомалалик, камтарлик ва ҳ.к.

Д) ўз ҳаёт мақсадини тўғри танлаш.

6. Ахлоқ қандай кучга таянади?

А) муайян сиёсий тузум томонидан ҳимоя қилинади

В) билим ва тарбияга

С) зўрлик кучига

Д) мафқуравий иммунитетга.

7. Ахлоқий меъёрларни бузган шахсларга қарши қандай чора ва тадбирлар кўрилади?

А) ҳуқуқий жазо берилади

В) маҳалла томонидан жавобгарликка тортилади

С) жамоатчилик ҳукми асосий восита ҳисобланади

Д) ота-она тегишли танбех бермоғи лозим.

8. Ахлоқий тарбия қаердан бошланади?

А) аввало оилада бошланиб, сўнгра боғча ва мактабда давом этади

В) ҳаётнинг ўзи тарбия мактабидир

С) ота-она хулқ-атвори фарзанд учун тарбия мактабидир

Д) ишлаб чиқариш жамоаси муҳим тарбия ролини ўйнаши мумкин.

9. Ахлоқий низони ҳал этиш йўллари қандай тасаввур қиласиз?

А) сабр-тоқат билан суҳбатдошини тинглаш ва ўзини суҳбатдошининг ўрнига қўйиб кўриш

В) ҳуқуқий йўл билан чора кўриш

С) мулоҳаза билан ҳолисона фикр билдириш

Д) жамоатчилик олдида уни уялтириш, танбех бериш.

10. Қандай инсон юксак ахлоқий фазилатлар соҳиби ҳисобланади?

А) ор-номусли, виждонли, ҳалол. меҳнатсевар, ўз халқи ва Ватанини севадиган


В) ҳамма билан хушмуомала бўладиган

С) оиласини моддий жихатдан таъминлаган


Д) руҳий ва маънавий етукликка интиладиган.

МАВЗУГА ОИД МАНТИҚИЙ – СТРУКТУРАВИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова



2-илова





МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН МАШҚЛАР

Қуйида келтирилган хикматли фикрларни ахлоқшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинг:

1. Ибрат олмоқ гуноҳ ва хатолардан қутилишнинг натижасидир.
2. Илмнинг офати унутмақдир.
3. Сизни зиёрат қилишлиги учун ташриф буюрган кишини иззат қилинг.
4. Тўғри йўлдан озмаслик учун донишмандлар билан маслаҳат қилинг.
5. Амал ниятга боғлиқ. Амал ниятнинг гаровидир.
6. Яхшиларнинг яхшиси, яхши хулқилиқдир.
7. Эпикурнинг қуйидаги хикматли фикрларини таърифланг:
 - Ақл билан бахтсиз бўлиш, ақлсиз бахтли бўлишдан афзалроқдир.
 - Ҳар доим меҳнат қил. Ҳар доим сев. Ўз рафиқанг ва фарзандларингни ўзингдан ортик сев. Инсонлардан раҳмат кутма, миннатдорлик билдирмасалар хафа бўлма. Ғазаб ўрнига насихат

қил. Йиқилганларни тургазиш учун эгил. Кўпроқ ақлга эга бўл, ўз-ўзингни севишга эмас. Ҳар тун ўзингдан нима яхшилик қилганлигингни сўра. Кутубхонангда доимо янги китобинг, ер тўланганда тўла шаробинг, боғингда муаттар гулинг бўлсин.

8. Замонаси билан мураса қилган киши узокни кўра билувчи кишидир.

9. Миннат қилмоқ яхши амални йўқ қилади.

10. Енгилтаклик (ақлсизлик) тирикликни оғирлаштиради.

11. Донода меҳр бўлади.

Нодонда – захар.

12. Ёмонни яхши қилиш – дононинг иши.

Яхшини ёмон қилиш – нодоннинг иши.

5-МАВЗУ. АХЛОҚИЙ ҚОИДАЛАР ВА ТАМОЙИЛЛАР. ЭТИКА КАТЕГОРИЯЛАРИ

Мавзунинг таянч тушунчалари: *Ахлоқий қоидалар ва тамойиллар, этика категориялари, ҳалоллик, тўғрилиқ, ростгўйлик, камтарлик, ҳушмуомалалиқ, бағрикенглиқ; ватанпарварлик, умумхалқ ишига садоқат, меҳнатсеварлик, дўстлик; яхшилиқ ва ёмонлик, бурч, виждон, адолат, ҳаётнинг маъноси, бахт-саодат.*

Маъруза саволлари

1. Дастлабки ахлоқий қоидалар: ҳалоллик, тўғрилиқ, ростгўйлик, камтарлик, ҳушмуомалалиқ, бағрикенглиқ ва бошқалар.
2. Ахлоқийлик тамойиллари: ватанпарварлик, умумхалқ ишига садоқат, шахсий ва ижтимоий манфаатлар уйғунлиги, сўз ва иш бирлиги, меҳнатсеварлик, миллатлараро дўстлик, биродарлик ва бошқалар.
3. Этика категориялари: яхшилиқ ва ёмонлик, бурч, виждон, ор-номус, адолат, ҳаётнинг маъноси, бахт-саодат.

Муҳокама учун саволлар ва консултатив материаллар

Ахлоқий категорияларнинг ўзига хос хусусияти

Категория сўзи (юнонча *kategoria* – мулоҳаза, фикр, белги) – предмет ва ходисаларнинг умумий ҳамда муҳим томонлари хусусиятлари ёки муносабатларини акс эттирувчи энг умумий тушунчаларни англатади. Этика категорияларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларда ахлоқий онгнинг, ахлоқий муносабатларнинг, одоб хусусиятларининг энг муҳим томонлари ва элементлари умумлашган ҳолда акс этади.

Ахлоқий категориялар

Этика категориялари фақат ахлоқий мазмуннинг умумийлиги кенглиги билангина чекланмай, балки улардаги баҳолаш ва нормативлик хусусиятлари билан ҳам белгиланади. Агар яхшилиқ ва ёмонлик, адолат шахслар ўртасидаги муносабатларни турли ижтимоий ходисаларда, яъни иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ишлаб чиқариш жараёнида бўладиган ходисаларни баҳоловчи категориялар бўлса; бурч, виждон – энг аввало норматив ва ички давватга, журъатга боғлиқ категориялардир. Шундай қилиб, этика

категорияларини бир бутун системанинг “хусусият”лари сифатида уларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши, камраш даражасига кўра туркумларга ажратиш мумкин. Ахлоқшунослик тарихида донишмандлар у ёки бу категорияларга алоҳида эътибор қаратганлар. Жумладан, Аристотель билан Платон этикасида – бу яхшилик, Форобий, Ибн Сино, Алишер Навоий, Жомий каби мутафаккирларнинг ахлоқий қарашларида – адолат, дўстлик, меҳнатсеварлик, Кантда – бурч, Гегелда – виждон, Демокрит, Эпикур, Гельвеций, Фейербах этикасида – бахт каби категориялардир. Ахлоқий нормалар ва тамойиллар категорияларнинг асосий мазмунини аниқлаштиради. Этиканинг муҳим тушунчаси бўлган ахлоқ категориялари жамиятнинг ахлоқий тараққиёти жараёнида янгича хусусиятлар касб этиб, ўзгариб ва ривожланиб боради; муайян шахснинг фаолияти, хатти-ҳаракатларида ўзига хос шаклда намоён бўлади.

Яхшилик ва ёмонлик категориялари

Яхшилик ва ёмонлик инсоннинг хатти-ҳаракатларига бериладиган ижобий ёки салбий баҳони ифодаловчи ахлоқшуносликнинг энг умумий жуфт категорияларидир.

Яхшилик – энг муҳим фазилат бўлиб, инсон фаолиятининг асл ва азалий моҳиятини англатади. У инсонга кучли руҳий лаззат бағишлаши билан бирга уни шахс сифатида шаклланишининг муҳим кўрсаткичидир. Яхшилик ҳалоллик, тўғрилиқ, ростгўйлик, камтарлик, хушмуомалалиқ, бағрикенглиқ, ватанпарварлик, умумхалқ ишига садоқат, шахсий ва ижтимоий манфаатлар уйғунлиги, сўз ва иш бирлиги, меҳнатсеварлик, миллатлараро дўстлик, биродарлик каби инсоннинг ахлоқий фазилатларида намоён бўлади.

Ёмонлик – яхшиликнинг муқобили бўлиб, шахс ва жамият ривожига тўсқинлик қилувчи иллатдир. У ёлғончилик, пасткашлиқ, мунофиқлик, беҳаёлик, раҳмсизлик, нормардлик, хиёнат каби тушунчаларда ўз ифодасини топади.

Ҳадиси Шайрифда яхшилик ва ёмонлик ҳақида нималар дейилган?

Яхши одам билан ўтириш гўё мушқу анбардек. ёмон одам билан бирга бўлиш эса темирчининг босқони каbidир.

Мушку анбар бор кишидан хушбўй хид таралади, сен ундан уни сотиб олишининг ёки хушбўй хидидан баҳраманд бўлишинг мумкин. Темирчининг босқони эса кийимингни куйдириб қўйиши ёки лоақал ундан қўланса хид келиши мумкин.

Одамларнинг яхшиси – одамларга фойдалироғидир.

Ёшларингизнинг яхшилари – ўзини катта ёшдагилардек оғир тутадиганларидир. Катта ёшдагиларнинг ёмонлари эса ўзини ёш болалардек енгил тутадиганларидир.

Мўмин кишига берилган нарсаларнинг яхшиси чиройли хулқдир. Унга берилган нарсаларнинг ёмони эса, кўриниши чиройли бўлсада, қалбида ёмонлиги боридир.

И.Кант ва Гегель яхшилик ва ёмонлик категорияларини қандай асослайдилар?

И.Кант яхшилик ва ёмонликнинг асосида ҳар қандай ҳаракатдан холи бўлган «эркин ирода» туради деб тушунтиради. Инсондаги бу «эркин ирода» ахлоқ нормаларига қатъий риоя қилишни талаб этади, ўз фаолияти ва ҳатти-ҳаракатларини таҳлил қилишни талаб этади. «Ўз фаолиятини таҳлил қилмай ва ахлоқ нормаларига риоя қилмай туриб, ўзидан завқланадиган кишининг ҳаёти қадр қимматга эга эмас», - дейди у. Чунки ахлоқий қонунга бўйсиниш шахснинг ахлоқий камолотга ва ахлоқий эркинликка эришувининг асосий шартидир. Унинг бу қонун олдида барча кишиларнинг тенглигини тарғиб этиши ижобийдир. Кантдан фарқ қилиб, Гегель яхшилик ва ёмонлик категорияларини диалектик бирликда кўради, уларнинг тараққиёти зиддиятлар орқали, бирининг иккинчисига ўтиб туриши орқали содир бўлади, деб ҳисоблайди.

Абу Али Ибн Сино яхшилик ва ёмонлик ҳақида

Инсоният маданиятига улкан ҳисса қўшган мутафаккирлардан бири Абу Али Ибн Сино фикрича, ахлоқшунослик яхшиликни ёмонликдан ажратадиган ва бунга шароит яратадиган фандир. Масалан, у яхшиликни шундай тушунади: барча мавжудот камолотга мойилдир. Худди шу камолотга мойилликнинг ўзи яхшиликдир; яхшиликка интилишнинг ўзи моддий оламга хосдир. «Ёмонлик эса, - деб таъкидлайди Ибн Сино, - мавжуд бўлмаслик билан боғлиқ». Шу сабабдан у нарсаларнинг имконият ҳолатидан воқелик ҳолатига ўтишига тўсқинлик қилади. Файласуф яхшилик билан ёмонликни роҳат-

хузур қилишга олиб келиш-келмаслиги билан баҳолайди. Роҳатланишнинг келтириб чиқарадиган ҳамма нарса яхшилик, азобга олиб келадиган ҳамма нарса ёмонликдир.

Бурч категорияси

Бурч – ҳам ахлоқшуносликнинг муҳим категорияларидан бири ҳисобланади. Бурч категориясининг ўзига хос хусусияти нимада? Бурч категорияси шахснинг жамиятга ёки кишиларга нисбатан бўлган ахлоқий мажбуриятдир. Яъни объектив мавжуд бўлган жамият талабларини бажаришининг ички маънавий заруриятдир, муайян хулқ-одоб қоидалари мажмуидир.

Бурч категориясида инсон ахлоқий қиёфасининг ижтимоий характери акс этади, унда ахлоқнинг жамият томонидан ўз кишиларига қўйган императив характери тўла намоён бўлади. Бурчнинг манбаи ижтимоий манфаатдир. Бурчда манфаат буйруқ, императив маъносини касб этади, асосий ҳаракатга ундовчи, хатти-ҳаракатни танлашдаги ҳал қилувчи мотив бўлиб майдонга чиқади.

Бурч ҳамиша хатти-ҳаракатнинг сабабчиларидан бири бўлиб юзага чиқади, лекин бошқа категориялардан фарқли ўлароқ унда хатти-ҳаракатга ундовчи кучли рағбат ифодаланади. Бурч категориясининг асосий хусусияти ва айрим белгиси мажбуриятни англаш ҳисобланади.

Инсоннинг бурчни англаши, ҳис қилиши жуда қадимийдир. Одамлар жамоа бўлиб яшаган даврларидаёқ, одат кучи орқали жамоага бўйсунганлар, бир парча мато топиб олсалар ҳам, бутун жамоа аъзолари билан тенг бўлиб олганлар, бир гуноҳ иш қилиб уруғдан ҳайдалишни ўлим билан баробар ҳисоблаганлар. Мана шундай қилиб, жамоа олдида ўз бурчларини англай билиш шакллана борган.

Инсон жамияти юқори поғонага чиққан сари бу категория ҳам ривож топиб боради. Бу категорияни ривожланишига дин ҳам, умуминсоний ахлоқий қадриятлар ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Ота-она олдидаги фарзанд бурчи, ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи, дўст олдидаги бурч, Ватан, жамият, халқ ва келажак авлод олдидаги бурч шулар жумласидандир.

Виждон категорияси

Виждон – инсоннинг ўз хулқини муайян ахлоқ нормалари нуқтаи назаридан туриб ахлоқий баҳолаши ва назорат қилиши, ўз хатти-ҳаракатларини ва бу хатти-ҳаракатларга боғлиқ бўлган ҳис-туйғуларни, кечинмаларни ўзи таҳлил қилишидир.

Юнон файласуфи Демокрит ҳам айнан виждон сўзини айт-маса ҳам унинг фикрларидан виждон туйғусини англаш мумкин: «Уят иш қилган киши, авало ўзидан ўзи уялаши керак. Бошқалардан кўра ўзингдан кўпроқ уялишга ўрган. Ўз айбингни унутишинг ориятсизликка олиб келади. Ёмон ишлардан тавба-тазарру қилиш умрни кутқариш демакдир». Шу билан бирга, Демокрит *виждон ўз-ўзини назорат қилиш* эканлигини таъкидлайди.

Виждоннинг келиб чикиши инсонда ахлоқий онг ва ўз-ўзини англаш одатларнинг шаклланиши билан боғлиқ. Инсон, жамоа томонидан унга юкланган мажбуриятларни англай бошлайди, бу нормаларни қўрққанидан эмас, балки бажармаса кўнгил ғашлигидан уларни бажариш зарурлигини тушуниб етади, нотўғри хатти-ҳаракат учун жамоатчилик олдида уялиш, айбдор бўлиш, пушаймонлик ҳисси тараққий этади. Яъни инсоннинг ўз ҳаракатларини баҳолаши – виждон туйғуси шундай вужудга келади. Бу ҳақида Сократ қуйидаги фикрларни билдирган: «Нимадир номаъқулчилик қилиб, кейин яшириниб кетаман, деб ўйлама, бошқалардан яширинганинг билан ўз виждонингдан яширина олмайсан».

Виждон эркинлиги нима?

Виждон эркинлиги – кишининг жамият талабларига мувофиқ ҳаракат қилиши зарур эканлигини англаб олишидир. Виждон муайян ижтимоий шарт-шароитлардан иборат ўз манбаига эга. Виждонларини агар инсонларнинг ўзлари «бўғиб ўлдирмасалар», у энг покиза, ҳалол ва энг олий ҳакамдир. Инсон қачонки тўғри хатти-ҳаракат қилганлигини, ўзи ўзлаштирган ахлоқ талабларига мос равишда иш тутганлигини англаса. Ўз хулқи, ҳаракатлари учун ўзида ички қониқиш ҳисси туғилади, яъни виждони хотиржам бўлади. Демак, юрак тоза бўлади. инглиз шоири Вильям Шекспир ибораси билан айтганда, «тоза юракни кўрқитиш қийин».

Виждон, қачонки ахлоқий ҳаракатлар қилишга ундаса, у буй-рук характериға эға бўлади. Виждон амри бирор хатти-ҳаракатдан олдин уни оқлаб, амалға ошишиға руҳлантириши ёки қарши чиқиши мүмкин. Ҳар қандай вазиятда виждон амриға бўйсунмаган кишиға ишониш жуда ҳам қийин. Аммо, кўп ҳолларда, одамларнинг виждони – бошқаларнинг мулоҳазаларидан чўчишдан бўлак ҳеч нарса эмас.

Адолат категорияси

Адолат бу – ижтимоий тенгликнинг ҳаққоний ва тақдирлашнинг зарурий ўлчовидир. Мазкур категорияни назарий таҳлил қилишға, унинг моҳиятини тушунтиришға, келиб чиқишини очиб бериб, жамият ҳаёти билан боғлашға уринган биринчи мутафаккир Сократ бўлган. У адолатни «қонунға мувофиқ хулқ» деб талқин қилган.

Адолат жамиятда инсонлар орасида, давлат ва фуқаролар, жамият ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мезонини англатади ҳамда меҳрибонлик, мурувват, саҳоват, шавқат каби фазилатларда намоён бўлади.

Ор-номус (шаън) ва қадр-қиммат категориялари

«Ор-номус» тушунчаси шахснинг қадр-қимматини унинг жамиятдаги аниқ аҳволи билан фаолият тури, жамият ҳаёти учун аҳамияти ва ахлоқий хизматларнинг тан олинishi билан боғлиқдир. Ор-номус категорияси шахснинг ўз қадр-қимматини билиши, жамиятда эғаллаган мавқеини англаши ҳамда унға доғ тушурмасликка йўналтирилган хатти-ҳаракатларини акс эттиради. Ор-номус, қадр-қиммат категориялари бурч категорияси билан ҳам узвий боғлиқ.

Ҳаётнинг маъноси категорияси

Ахлоқий муаммолар орасида яшашдан мақсад ва ҳаётнинг маъноси ҳақидаги, инсоннинг тақдири ва вазифаси ҳақидаги, киши ҳаётининг махфий сирлари ва мураккаблиги ҳақидаги масалалар марказий ўринлардан бирини эғаллайди. Ҳаётнинг маъноси муаммоси – бу инсон ҳаётий фаолиятининг умумий йўналиши, у ўз олдига қўядиган асосий мақсад ва вазифалар тўғрисидаги масаладир.

Қадимги Юнонистондаёқ ҳаётнинг маъносини бахтда, фазилатда, билимда, ҳиссий баҳра олишда, кишиларға хизмат қилиш-

да, дунёнинг хузур ҳаловатини татиб, табиий яшашда ва ҳ.к. деб турлича тушунилган.

Асрлар давомида мутафаккирлар инсон, унинг бу оламдаги ўрни, ҳаётнинг маъноси ҳамда орзу-мақсадлари ҳақида кўп фикр юритишган. Шарқ мутафаккирларидан Аҳмад Дониш ижодида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган: «Ер ҳаёт оламининг мадрасаси бўлиб,-деб ёзади у, - коинот дарси шундагина ўқилмоқ даркордир». Чунки Ерда ҳар нарсанинг ҳақиқатини оча оладиган «инсон» яшайди. «Инсон - улуғ оламдир, -деб давом этади мутафаккир. - Унга қараганда бу олам кичик оламдир. Агар виждонан ўйлаб қарасанг, шу кўримсиз гавдангда қанчалик ҳикмат ва маслаҳатларнинг яшириниб ётганлигини биласан... Агар тафаккур дарёсига чўмсанг, етти осмонни ҳаёлинг қутчасига жойласанг; агар ҳаёл қувватини ишлатсанг етти қават ерни фикринг тоқчасига сиғдирасан; агар қаҳри ғазабинг келса, йўлбарсни мушукдай ҳам кўрмайсан, агар меҳрибонлигинг тутар экан, бечора чумолини кипригинг устида сақлайсан; агар саҳийлигинг жилва қилса, кийган тўнингни мухтожга бериб, ўзинг яланғоч қоласан; агар бахиллигинг тутса кумирскадек донни талашасан».

Ана шу «ажаб жамоа» бўлган инсон ҳаётининг маъноси нима бўлмоғи керак? Ёки «инсон нима учун яратилган, яратилгандан сўнг унинг яхшилиги нимада ва у нимани хоҳлаши керак?». Мутафаккир фикрича, ақлсиз жоҳиллар ҳаётининг мақсади деб еб-ичишни, лаззатланишни, нафсни кондиришни тушунадилар. «Одам дунёга ... иморат бунёд этиш учун келади», -дейди Аҳмад Дониш. Одамлар дунёни иморатлар ва зироатлар билан обод қиладилар. «Дунёнинг ободонлиги эса, тоғларни кесиш, ариқлар чиқариш, конлар топиш қабилар билан бўлади»³. Буларнинг ҳаммасидан кутилган мақсад – халққа фойда келтиришдир. Шу сабабли мамлакатга, инсоният оламига фойда келтирувчи санъат ва ҳунарларни эгаллаш ва ривожлантириш керак. Ҳар бир кишининг фақат ўз қорнини тўйдириш учун қилган ҳаракати эса пасткашликдан бошқа нарса эмас. Аҳмад Дониш инсон ҳаётининг маъноси ва мақсади ҳаётни севиш, бу дунёда яшаш ва яратиш деб билди.

³ Аҳмад Дониш. қўлёзма №2941. ЎзРФА. Шарқшунослик институти.

Бахт категорияси

Бахт – бу инсонни ижодий кучларининг тўлиб-тошганлиги, уларни ижтимоий ва шахсий мақсадда қўлланишидан юксак даражада маънавий қониқиш ҳосил қилиши ҳамда бу туйғунинг англаб олинишидир. Бахт категорияси идеал, ҳаётнинг маъноси ҳамда омад тушунчалари билан боғлиқ бирмунча кенг тушунчадир.

Идеал - инсоннинг ўз хатти-ҳаракатлари учун шакллантирган намуна бўлиб, у идеаллаштириш жараёнида, яъни ҳаётий тажрибадан олинган образларни шахс ёки жамият орзу-умидларидан келиб чиққан ҳолда қўшимча фазилатлар билан бойитиши натижасида юзага келади. Идеалнинг шаклланишида асотирий тафаккур, бадиий адабиёт, фалсафанинг таъсири кучлидир. Одатда, идеалга етишиш - инсон ҳаётининг мазмунини ташкил этиб, унинг рўёбга чиқиши – бахт ҳисобланади.

Аристотель: «Гўзал ва фаровон яшаш ... бахт-саодатдир. Бахтли одам (моддий ва маънавий жиҳатдан) яхши яшаётган одамдир. Яхши, гўзал яшаш эса, фазилатларга амал қилиб (яъни одамларга яхшилик қилиб) яшашдир», - деб ёзган. Форобий фикрича эса, бахт - ҳар бир инсон интиладиган мақсад бўлиб, муайян комилликка эришиш билан боғлиқ.

Инсоннинг бахтга эришишда омад муҳим аҳамият эга. *Бахт* – инсон ҳаётининг маъно ва мазмунини ташкил этувчи давомий характерга эга бўлган зарурият бўлса, *омад* – инсон орзу-умидларининг ушалиши билан боғлиқ, тасодифий ва ўткинчи хусусиятга эга бўлган ҳолатидир.

Тест саволлари

1. Яхшилик нима?

- А) яхшилик ҳар бир инсонга берилган буюк фазилат, ахлоқий баркамоллик негизидир
- В) яхшилик бор жойда ёмонлик чекинади
- С) яхшилик бор жойда ёмонлик ҳам бўлади
- Д) яхшилик ҳам йўқ, ёмонлик ҳам йўқ, булар фақат кишининг у ёки бу хатти-ҳаракатига берилган баҳо.

2. Виждон категориясининг ўзига хос хусусияти нима?

- А) ўз-ўзини назорат қилиш
- В) ўзгалар манфаатини ўйлаш
- С) ўз-ўзидан, қилмишларидан уялиш
- Д) ўзгалар олдида тарбияли кўриниш.

3. Бурч категориясини қандай тушунаси?

- A) бурч – бу мажбурият
- B) бурч – бу ўз истакларини қондириш
- C) бурч – бу бошқаларга яхшилик қилиш
- D) бурч – бу ахлоқий қонун.

4. Бахт нима?

- A) шахсий ва ижтимоий манфаатларнинг қондирилиши
- B) шахсий ва ижтимоий манфаатлар ўртасидаги кураш
- C) инсонларнинг бир-бирини тушуниши
- D) инсоннинг истаган нарсасига эга бўлиши.

5. Ор-номус нима?

- A) ўз меҳнати ҳисобига яшаш
- B) ўз ва ўзгалар кадр-қимматини билиш
- C) бу ўзгалар ҳақида хиёнат қилмаслик
- D) инсоннинг ўз кадр-қимматини билишига асосланган ахлоқий хатти-ҳаракатлари, ҳис-туйғулари.

6. Адолат нима?

- A) ижтимоий-сиёсий партиянинг номи
- B) қонунларга риоя қилиш
- C) ижтимоий тенгликнинг ҳаққоний ва тақдирлашнинг зарурий ўлчовидир
- D) инсон табиий ва ижтимоий ҳуқуқларининг мезони.

7. Ахлоқий баркамол инсон ўз ҳаётининг маъносини қандай тушунади?

- A) шахсий манфаатларини доимо қондириб бориш
- B) маънавий раванққа эришиш
- C) моддий ва маънавий неъматларга эришиш
- D) шахсий манфаатларини жамият манфаатлари билан уйғунлаштириб яшаш, ҳаётда яхши ном қолдириш.

8. Оиланинг ижтимоий вазифаларига нималар киради?

- A) бой ва бадавлат яшаш учун курашиш ва унга эришиш
- B) фарзандларининг раванқи йўлида фидойлик қилиш
- C) инсон зотини давом эттириш, фарзандларни тарбиялаш, оила аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш
- D) ахлоқий баркамолликка эришиш, меҳнат қилиш, янглик яратиш ва бахтиёр яшаш.

9. Фарзандлик бурчи нима?


- A) ота-онани, халқини, Ватанни севиш, ҳурмат қилиш ва улар учун самимий хизмат қилиш
- B) олдига қўйилган мақсади йўлида меҳнат қилиш
- C) дўстларга содиқ бўлиш
- D) бутун дунё халқларига меҳр-муҳаббат билан қараш.


10. Ҳалоллик, поклик нима?


- A) ўз меҳнати билан яшаш
- B) виждонан соф, ақлан етук, сўз билан иши бир бўлиш
- C) ҳалоллик – эътиқод холос
- D) бир вақтнинг ўзида одам ҳам ҳалол, ҳам эпчил, ишбилармон, уддабуро бўлиши мумкин эмас.

МАВЗУГА ОИД МАНТИҚИЙ – СТРУКТУРАВИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова







МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН МАШҚЛАР

Қуйида келтирилган ҳикматли фикрларни ахлоқшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинг:

1. Ҳадис ҳикматларини изоҳланг:

• Фарзандларингизни эҳтиром қилинг, уларга яхши тарбия беринг.

• Амал тарозисини қўйилгувчи бирламчи нарса яхши хулқдир.

• Очкўзликдан кўра дардлироқ дард борми? Имконингиз борича кўнгилни дунё ғамидан озод қилинг!

• Дўстлик ярим донишмандликдир.

• Жамоат – раҳмат, парокандалик – азобдир.

• Қўл остидагилар билан яхши муомала қилмоқ омад гарови, улар билан ёмон муомалада бўлмоқ бахтсизлик келтиради.

• Ҳаё яхшиликдан бошқа нарса келтирмайди.

• Одамларнинг энг яхшиси халойикка кўпроқ фойдаси тегадиганидир.

• Рақибини кўтариб ерга урувчи одам паҳлавон эмас, ғазаби келганда ўзини жиловлай олган одам паҳлавондир.

• Кексаларни ҳурмат қилмаган, гўдакларга меҳрибон бўлмаган, яхшиликка даъват этиб, ёмонликдан қайтармаганлар бизлардан эмас!

2. Энг олий донолик – эзгулик ва ёвузликни фарқлай олишда (Сукрот).

3. Артур Шопенгауэрнинг қуйидаги ҳикматли фикрларига таъриф беринг:

• Гўзаллик – калбни эгаллашга маҳкум бўлган тавсияномадир.

• Ўрта ҳол инсон вақтни нима билан ўлдиришни ўйлайди, иктидорли инсон эса ундан фойдаланади.

• Фақат ягона туғма хато мавжуд – бу бахтли яшашимиз керак деган ақидадир.

• Кибр-хаво инсонни сўзамол қилиб қўяди.

• Соғлом фикр – бу инстинктдир. Унинг етарли даражада мавжудлиги – иктидордир.

• Дўзоҳда бўлиш – бу бошқарилишдир; жаннатда бўлиш – бу ўз-ўзини бошқаришдир.

• Муҳаббат – бу бир инсоннинг фарқини бошқалардан кўпроқ ажратиб кўрсатишдир.

• Ҳеч қачон умид қилмаган инсон, пушаймон ҳам емайди.

4. Ўзгалар қисматидан ибрат олган киши бахтлидир.

5. Бахтлилик сири ўз “Мен”и доирасидан чиқа олишликдадир (Гегель).

6. Инсонлар бахти - қилишлари шарт бўлган нарсани яхши кўриб қилганларида намоён бўлади (Гельвеций).

7. Виждон – ички ҳақамдир, бизнинг хулқимизни яқинларимиз томонидан жазоланиши ёки тақдирланишининг энг ишончли гувоҳидир (Гольбах).

8. Инсон кўрқок бўлганлиги учун иримчидир; у илмсиз ва жоҳил бўлганлиги кўрқокдир (Гольбах).

9. Меъёр ҳаёт қувончларини кўпайтиради, лаззатни янада узун қилади (Декарт Рене).

10. Мардлик тақдир юқини енгиллатади (Декарт Рене).

11. Муҳаббат – шундай дарди, у донони ҳам, аҳмокни ҳам аямайди (Камю Альберт).

12. Инсон кўрқоклар орасида ўзини ёлғиз ҳис этади (Камю Альберт).

13. Иммануил Кантнинг қуйидаги ҳикматли фикрларини қандай тушунасиз?

• Инсонга хоҳлаган нарсасини беринг, у шу ондаёқ хоҳлаган ҳамма нарса ҳамма нарса эмаслигини ҳис қилади.

• Бизда яшаётган қонун, виждондир. Виждон бизнинг ҳаракатларимизни ана шу қонунга татбиқ этилишидир.

• Қачонки адолат йўқолса, инсон ҳаётини қадрловчи ҳеч нарса қолмайди.

• Фикрлаш – демак ўз-ўзи билан суҳбат қуриш, ўз-ўзини тинглашдир.

14. Эпиктетнинг (тахм.мил.50-140йй.) қуйидаги ҳикматли фикрларига таъриф беринг:

• Агар сен ҳақингда яхши гапиришларини хоҳласанг – бошқалар ҳақида ёмон гапирма.

• Ўз эҳтиросларингни жиловлай бил - ёки улар сени жиловлайди.

• Эркин иродага эга бўлган инсон қул бўлмайди.

«АХЛОҚШУНОСЛИК» ФАНИДАН ИЖОДИЙ ЭССЕ МАВЗУЛАРИ

1. Инсоннинг хатти-ҳаракатларига бериладиган ахлоқий баҳо мезони.
2. Заонавий инсоннинг маънавий-ахлоқий қиёфаси.
3. Жамиятимизнинг такомиллашуви ва шахснинг ахлоқий-маънавий камолоти муаммоси.
4. Ҳар бир шахс ўз бахтининг ижодкори.
5. Инсон меҳнати билан улуғ.
6. Шахснинг ахлоқий шаклланишида жамоанинг роли.
7. Ватанга муҳаббат ахлоқий туйғу сифатида.
8. Ахлоқшунослик ҳаётнинг маъноси ҳақида.
9. Ахлоқшуносликда виждон категориясининг талқини.
10. Ирода эркинлиги ва шахснинг ахлоқий масъулияти.
11. Этикада бурч категориясининг талқини.
12. Ижтимоий бурч ва шахсий манфаат муаммоси.
13. Фарзанд бурчи – муқаддас туйғу.
14. Ватан кўнгилда яшайди.
15. Менинг маҳаллам – менинг фаҳрим.
16. Ота-онам – менинг таянчим.
17. Марказий Осиё мутафаккирларининг ахлоқий қарашлари.
18. Миллий гуруҳ ва ахлоқ.
19. Ислоҳ Каримов асарларида ахлоқ масалалари.
20. Миллий мафкура ва ахлоқ.
21. Миллий мафкура ва комил инсон муаммоси.
22. Ахлоқшунослик ва бошқа ижтимоий фанлар муносабати.
23. Ахлоқнинг таркибий тузилиши ва моҳияти.
24. Билим – ҳазина, ахлоқ – фазилат.
25. Камтарга – камол, манманга – завол.
26. Муомала маданияти – инсон зийнати.
27. Оила иқлимини – аёл яратади.
28. Ўзаро меҳр-муҳаббат ва болаларга ғамхўрлик – оила ва никоҳнинг ахлоқий асоси.
29. Этиканинг қадр-қиммат ва ор-номус категориялари.
30. Яхшилиқ ва ёмонлик категориялари – ахлоқий баҳонинг энг умумий шакли.

31. Демократик жамиятда ёш мутахассисларнинг ахлоқий кифёси.
32. Миллий ва диний анъаналарнинг ахлоқий тарбиядаги роли.
33. Санъат ва ахлоқий тарбия.
34. «Оммавий маданият»нинг ёшларни ахлоқий тарбиясига таъсири.
35. Ахлоқий тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш.
36. Миллий гуруҳ – инсоний фазилат.
37. «Авесто»да комил инсон масаласи.
38. Форобий этикаси.
39. Ибн Сино этикаси.
40. Тасаввуфда комил инсон муаммоси.
41. Ҳадиси Шарифдаги ахлоқий масалалар.
42. Кайковуснинг «Қобуснома» асарида ахлоқий масалалар ечими.
43. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асарида тасвирланган ахлоқий фазилатлар ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги.
44. Жалолiddин Румийнинг ахлоқий қарашларида комил инсон муаммоси.
45. Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асари ахлоқий фазилатлар комуси сифатида.
46. Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида ахлоқ масалалари.
47. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи миллий ахлоқий кадриятларимизнинг ёрқин намунаси сифатида.
48. Теодор Драйзернинг «Америка фожиаси» асарида прагматизм ахлоқининг тасвирланиши.
49. Дейл Корнеги асарларида муомала маданияти ва ўз-ўзини тарбиялаш масалалари.
50. Касбий этикага қўйиладиган талаблар.

«АХЛОҚШУНОСЛИК» ФАНИДАН ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ САВОЛЛАРИ

1. Этика – ахлоқ ҳақидаги назария. Таянч иборалар: ахлоқ, этика, хулқ тушунчалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ўзаро муносабатлари.

2. Ахлоқнинг умуминсоний ва миллий, ижтимоий-тарихий характери. Таянч иборалар: ахлоқда умуминсонийлик, миллийлик, тарихийлик, ижтимоийлик, конкретлик.

3. Ахлоқнинг ижтимоий ҳаётдаги роли. Таянч иборалар: ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий асослар, комил инсон ғояси ва замондошимизнинг ахлоқий қиёфаси, Президент Ислом Каримов асарларида ахлоқий муаммолар ечими.

4. Ахлоқнинг таркибий тузилиши. Таянч иборалар: ахлоқий онг ва унинг элементлари, ижтимоий ва индивидуал онг, ахлоқий туйғулар, ҳиссиётлар, ишонч, ахлоқий сифатлар, ахлоқий талаблар, меъёрлар, одоб ва анъаналар.

5. Ахлоқий амалиёт. Таянч иборалар: фаолият, амалиёт, хатти-ҳаракат, прагматизм этикаси.

6. Хулқ ва унинг мотивлари. Таянч иборалар: ўз-ўзини англаш, хатти-ҳаракатни танлаш эркинлиги. Гегель ирода эркинлиги ҳақида.

7. Ахлоқнинг ижтимоий функциялари. Таянч иборалар: ахлоқнинг бошқарув, билиш, баҳолаш, тарбиявий, химоя, социаллашув функциялари.

8. Ахлоқ ва маънавий ҳаётнинг бошқа шакллари. Таянч иборалар: ахлоқ ва сиёсат, жамиятнинг иқтисодий асоси, миллатлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларга урф-одат, анъаналарнинг таъсири.

9. Ахлоқ ва ҳуқуқ. Таянч иборалар: ахлоқ ва ҳуқуқ ўртасидаги умумийлик ва фарқ, ижтимоий онг шакллари, ҳуқуқ, қонун, ахлоқ, жамоатчилик фикри.

10. Ахлоқ ва санъат. Таянч иборалар: санъатнинг асосий инъикос объекти – инсон, яхшилик ва гўзаллик ғояси.

11. Ахлоқ ва диннинг боғлиқлиги. Таянч иборалар: ислом этикаси, тасаввуфда комил инсон ғояси. Президент И.Каримовнинг ислом дини ҳақидаги фикрлари.

12. Фан ва ахлоқ. Таянч иборалар: фан ва ахлоқнинг ўзаро таъсири ва ўзига хос хусусиятлари, Сукрот, Афлотун билим ва ахлоқ ҳақида, Форобий билим ва тарбиянинг ўзаро алоқадорлиги ҳақида.

13. Эркинлик ва зарурият ҳақидаги назариялар. Таянч иборалар: ахлоқий эркинлик, мустақил шахс, ижодий шахс бўла олиш имконияти, ахлоқий зарурият, унинг объектив характери.

14. Ирода эркинлиги муаммоси. Таянч иборалар: ирода эркинлиги масаласида Сукрот, Кант қарашлари; фаталистлар, волюнтаристларнинг ирода эркинлиги ҳақидаги фикрлари.

15. Гегель ирода эркинлиги ҳақида. Таянч иборалар: ирода эркинлигини диалектик тушуниш, босқичлари ва улар ўртасидаги алоқадорлик, эркинлик ва зарурият ўртасидаги муносабатлар.

16. Эркинлик ва зарурият шахс хулқ-атворининг ахлоқий мезони. Таянч иборалар: ахлоқ меъёрида жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тузилиши, шахснинг феъл-атвори, онг ва иродаси, ижтимоий муҳит.

17. Инсон фаолиятида ирода эркинлигининг намоён бўлиши. Таянч иборалар: ирода эркинлиги тушунчаси, шахснинг ўз хатти-харакатларини, хулқини танлашда ахлоқий талаблар, улардан оқилона фойдаланиши, ахлоқий эркинлик ва ирода эркинлиги, шахс эркинлиги, интизом, фуқаролик бурчи.

18. Шахснинг ахлоқий масъулияти. Таянч иборалар: ахлоқий масъулият, бурч, масъулиятдан воз кечиши, эркинлик ва индивидуаллик, эркинлик даражаси, масъулият даражаси.

19. Мустақил, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда шахснинг ахлоқий масъулияти. Таянч иборалар: ахлоқий масъулият ҳиссини тарбиялаш, бунга оила, мактаб ва жамоатчиликнинг таъсири.

20. Ахлоқий баҳолаш мезони масаласи. Таянч иборалар: ахлоқий баҳода хатти-харакатни тўғри баҳолаш ва уларнинг натижалари, мотивлари, воситалари, шунингдек, шахснинг савияси, ахлоқий қиёфаси, ижтимоий тажрибасини ҳам эътиборга олиниши.

21. Этиканинг асосий категориялари. Таянч иборалар: яхшилик ва ёмонлик, бурч, виждон, ор-номус, адолат, ҳаётнинг маъноси, бахт.

22. Ҳаётнинг маъноси категорияси. Таянч иборалар: унинг табиий ва ижтимоий-сиёсий моҳияти, диний шарҳи, инсон ҳаёти ва ўлими масаласи.

23. Ахлоқнинг асосий тамойиллари. Таянч иборалар: ватанпарварлик, умумхалқ ишига садоқат, шахсий ва ижтимоий манфаатлар уйғунлиги, сўз ва иш бирлиги, меҳнатсеварлик, миллатлараро дўстлик, биродарлик ва бошқалар.

24. Ватан ва умумхалқ ишига садоқат – ахлоқнинг олий тамойили. Таянч иборалар: унинг мазмуни ва моҳияти, ватанпарварлик–миллий гурурнинг негизи; ватанфурушлик, миллатчилик, маҳаллийчилик, лоқайдлик зарарли иллат сифатида.

25. Меҳнатсеварлик ахлоқий тамойил сифатида. Таянч иборалар: меҳнатнинг инсон маънавий камолатидаги ўрни, меҳнатнинг қадрияти, шахс эркинлиги ва мулкчилик масаласи, меҳнатнинг турлари, ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашнинг аҳамияти.

26. Инсонпарварлик тамойили. Таянч иборалар: инсонпарварлик тушунчасининг моҳияти, тарихий ривожланиши, ижтимоий, миллий ва умуминсоний характери.

27. Фикр, сўз ва иш бирлиги - муҳим ахлоқий тамойил. Таянч иборалар: эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал бирлиги – юксак инсоний фазилат.

28. Таълим ва тарбиянинг диалектик бирлиги. Таянч иборалар: таълим ва тарбия тушунчаси, унинг педагогик асослари, тарихий турлари, миллий усуллари.

29. Ахлоқ ва фан. Таянч иборалари: ахлоқий камолот – шахс илмий даражасининг мужассам ифодаси, олимнинг ахлоқий қиёфаси, жамият аъзоларини илм–маърифатли қилиб тарбиялаш муаммолари.

30. Дастлабки ахлоқий меъёрлар. Таянч иборалар: ҳалоллик, тўғрилиқ, ростгўйлик, камтарлик, хушмуомалалиқ, бағрикенглиқ ва бошқ., ахлоқий меъёрлар, уларнинг ахлоқ категориялари билан узвий боғлиқлиги.

31. Маънавий поклик, ҳалоллик ва ростгўйлик – юксак фазилатлар. Таянч иборалар: уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўзаро боғлиқлиги; бурч, виждон, бахт категориялари билан узвий алоқадорлиги.

32. Ахлоқий муомала маданияти. Таянч иборалар: хушмуомалалиқ инсон безаги, муомала жараёнида бир-бирини тушуна билиш, муомала маданияти – шахс баркамоллигининг зарурий шартти.

33. Никоҳ ва оиланинг миллий ва умуминсоний хусусиятлари. Таянч иборалар: оиланинг жамият тарққиётига таъсири, оиланинг ижтимоий функциялари.

34. Ахлоқий муносабатлар. Таянч иборалар: шахснинг ўз-ўзига муносабати, инсонлар ўртасидаги, шахс ва жамият ўртасидаги ахлоқий муносабатлар.

35. Бахт категорияси. Таянч иборалар: бахтлилик ва бахтсизлик, бахтнинг моддий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий асослари, ҳозирги замон ижтимоий тараққиёти ва инсон бахт-саодати муаммолари.

36. Яхшилик ва ёмонлик категориялари. Таянч иборалар: этика категорияларининг жамият ривожига таъсири, уларнинг умуминсоний, тарихий, миллий ва хусусий маъноси, яхшилик ва ёмонлик категорияси – ахлоқий баҳонинг энг умумий шакли, тарихий шароитга муносабати, диний ахлоқ яхшилик ва ёмонлик хусусида, Ҳадиси Шарифда унинг ифодаси; мутафаккирларнинг фикрлари.

37. Ахлоқшуносликда бурч категорияси. Таянч иборалар: бурч, ахлоқий мажбурият, шахс ва ижтимоий манфаат нуктаи назаридан таҳлили, Кант бурч ҳақида, бугунги кун нуктаи назаридан бурч категориясининг талқини.

38. Виждон категорияси. Таянч иборалар: ахлоқий баҳо, назорат; Демокрит, Гегель, шарқ мутафаккирлари томонидан, Ҳадиси Шарифда виждон категориясининг талқини; бозор иқтисоди шароитида виждон тушунчасига муносабат.

39. Адолат категорияси. Таянч иборалар: унинг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий мазмуни, адолат ва шахс масъулияти.

40. Шаън ва ор-номус категорияси. Таянч иборалар: унинг ахлоқий-психологик таснифи, намоён бўлиш шакллари, миллий мустақиллик шароитида ор-номус ҳиссиётини тарбиялаш.

41. Миллий истиқлол мафкураси ва ахлоқи. Таянч иборалар: миллийлик, истиқлол, мафкура, ахлоқ.

42. Миллий қадриятлар ва комил инсон муаммоси. Таянч иборалар: миллийлик, қадрият, комиллик, инсонийлик.

43. Комил инсон тарбиясида оила, мактаб ва маҳалланинг ўрни. Таянч иборалар: тарбияда она ва отанинг ўрни, ёшлар камолатида мактаб ва маҳалла мавқеининг ошиб бориши.

44. Касбий ахлоқ маданияти. Таянч иборалар: касбий ахлоқнинг моҳияти, унинг намоён бўлиши, касбий ахлоққа қўйиладиган асосий талаблар; муаллим, шифокор, раҳбар, ишбилармон, савдо ходими, муҳандис, санъаткор, олимнинг касбий ахлоқи.

45. Ўзбек миллий қадриятлари ва анъаналарининг ахлоқий асослари. Таянч иборалар: миллий ва умуминсоний анъаналар ва қадриятлар, уларнинг ҳозирги даврда қайта тикланиши ва ривожланиши, кундалик ҳаётдаги одат бўлган анъаналар: саломлашиш, қариндошларни, ёши улуғларни эъзозлаш, болага ғамхўрлик, устоз-шогирдлик муносабатлари ва бошқалар.

46. Диний бағрикенглик ғояси ва ахлоқий тарбия. Таянч иборалар: дин, динлараро бағрикенглик, ахлоқ, тарбия, таълим, фан, ахлоқий камолат.

47. Миллий ғурур ва ахлоқий мезонлар. Таянч иборалар: миллат, миллийлик ғурур, ахлоқ, яхшилик, ёмонлик, олижаноблик, баркамоллик, бурч, виждон, шаън, ор-номус, адолат, ҳаёт мазмуни, бахт.

48. Мустақилликни асраб-авайлаш, химоя қилиш ва мустаҳкамлаш – энг асосий устувор йўналиш. Таянч иборалар: мустақиллик, ўз тақдирини ўзи белгилаш, халқ ва Ватан манфаати, сиёсий ва иқтисодий, маънавий-маърифий жиҳатлари, ватанпарварлик, эркпарварлик, мардлик, жасорат, ахлоқий бурч.

49. Мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, фуқороларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш – тараққиётимизнинг асосий шартидир. Таянч иборалар: миллатлараро ва динлараро тотувлик, толерантлик, коррупция, миллатчилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик.

50. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий ва ахлоқий асослари. Таянч иборалар: «Кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойили, либераллашув, ўз-ўзини бошқариш, ҳуқуқий маданият, маҳалла институти, жамоат бирлашмалари, ижтимоий жамғармалар, нодавлат ва ноижорат ташкилотлари, хайрия фаолияти, меҳр-оқибат, саховат.

51. Инсон омили – ислохотларимизнинг бош йўналиши. Таянч иборалар: ривожланишнинг ўзбек модели, ижтимоий инфратузилма, таълим, соғлиқни сақлаш, демографик ва миллий хусусиятлар, халқ фаровонлиги, маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат, лоқайдлик – иллат.

ГЛОССАРИЙ

А

Авесто – зардуштийлик динининг асосий китоби; «насиҳатнома», «қонунлар тўплами», «билимлар мажмуаси» сифатида талқин қилинадиган тарихий манба. Авесто – Турон, Хуросон, Озарбайжон, Ироқ, Эрон, Кичик Осиё халқларининг мил.ав.ги қадимги даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам ва одам тўғрисидаги тасаввур, урф-одат ва маънавий қадриятлари ҳақида маълумот берувчи асосий манба. У милоддан аввалги VII-VI асрларда Марказий Осиёда яратилган қомусий асар. Унга кўра, ҳаётнинг кечиши табиатда (нур ва зулмат), борликда (ҳаёт ва ўлим), ижтимоий ҳаётда (яхшилик ва ёмонлик), нафосат оламида (гўзаллик ва хунуклик), динда (Ахура Мазда билан Аҳриманнинг азалий ва абадий келишмаслиги) турли қучлар ўртасидаги кураш шакллари сифатида намоён бўлади.

Адолат – жамият аъзоларининг хилма-хил муносабатларидаги ўзаро тенглигини назарда тутати. Ахлоқий жиҳати инсонлараро муомалада бир хил муносабатда бўлишни, бир-бирининг иззат-нафсига тегмасликни ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилишликни билдиради. Адолатнинг ҳуқуқий томони қонунларга риоя этишни англатади.

Акмеология – (юнон. *akme* етуклик, чўққи, камолот, юксалиш, етуклик, *logos* - таълим от. фан) – и нсоннинг касб–хунар (мутахассислик) жараёнида энг юксак босқичларга етиш муаммоларини ўрганувчи фан. Инсоннинг етуклик, ижод чўққиси, камолот ва мукамаллик даражасига етган даври ва ривожланиш жараёнини ўрганади.

Аксиология – (юнон. *axio* – қадрият ва *logos* – фан, таълимот) атамаси илмий билимлар соҳасига XIX асрнинг иккинчи ярмида, немис қадриятшуноси Э.Гартман ва француз олими П.Лапи томонидан киритилган. Уни қадриятлар ҳақидаги фан ёки тўғридан-тўғри «Қадриятшунослик», деб аташ мумкин.

Алишер Навоий (1441-1501) – Низомиддин Мир Алишер Навоий ўзбек адабиётининг асосчиси, машҳур шоир, олим, йирик мутафаккир, давлат арбоби, маънавиятимиз ривожига улкан ҳис-

са қўшган сиймо. А.Навоий тасаввуфнинг нақшбандийлик сулукига эътиқод қилиб, ундаги меҳнатсеварлик, покланиш, ҳалоллик, имон-эътиқодли бўлиш каби ғояларни янада ривожлантирди. Навоийнинг фикрича, инсон учун тож-давлат ва ҳ.к. эмас, балки энг яхши фазилатлар зийнатдир. Энг яхши фазилатлар ҳар қандай бойликдан афзалдир.

Альтруизм – (лот. *alter*, фран. *altruisme* – бошқа) атамаси фалсафага О.Конт томонидан киритилган. Альтруизм эгоизмга қарама-қарши ахлоқий тамойил бўлиб, шахсий манфаатларидан кечиб, ўзгалар манфаати, бахт-саодати йўлида беғараз хизмат қилиш деган маънони англатади. Альтруист – ўзгаларга беғараз ғамхўрлик қилувчи ва одамлар бахт-саодати йўлида ўзини қурбон қилишдан воз кечмайдиган шахс.

Антропоцентризм – (يونون. *anthropos* – инсон, *kentron* – марказ). Бу тасаввурга кўра, инсон – коинот маркази бўлиб, оламдаги барча воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларнинг туб мақсадидир.

Аристотель (Арасту)(мил.ав.384-322) – «Никомах этикаси», «Ахлоқи кабир» ва «Сиёсат» асарларида ахлоқ ҳақидаги фикрларни системалаштириб унга *этика* деб ном берди. Арасту этикасининг асосида бахтга интилиш ғояси ётади.

Ахлоқ – (арабча, хулқ сўзининг кўплиги; лот.*moralis* – қондага, хулқ–атворга, урф–одатга тааллуқли; ахлоқли) кишилар орасидаги муносабатларни муайян тизимга солишнинг ўзига хос тартиб, қоидалари йиғиндиси. Ахлоқ – кишилар орасидаги муносабатларнинг барча тур ва кўринишларига тааллуқли бўлиб, у ёки бу хатти–ҳаракатлар, алоқа ва муносабатлар ҳақида фикр юритиш (уларни маъқуллаш ёки қоралаш)дир. Ахлоқий баҳолаш жамоатчилик фикрига таянади. Ахлоқ қотиб қолган қоидалар йиғиндиси эмас, у инсон ва жамият ҳаёти давомида шаклланиб, сайқалланиб, такомиллашиб борадиган ижтимоий жараён дир.

Ахлоқий рационализм – ақл, билим инсон ахлоқий фаолиятини яхшиликка йўналтирувчи асос сифатида эътироф этилади.

Ахлоқий ишонч – ўзида рационал ва эмоционал томонларни ифода этиб, шахс характериға турғунлик беради, ҳар қандай кийин шароитларда ҳам ўз ахлоқий принципларидан қайтмаслигини англатади.

Ахлоқий сифатлар – ижобий ва салбий бўлади. Ижобий ахлоқий сифатлар (фазилатлар)ға: меҳнатсеварлик, камтарлик.

хушмуомалалик, эзгулик, самимият, инсоф, андиша, ҳаё ва б. ки-
ради. Бу бизнинг ахлоқий кадриятларимиздир. Салбий сифатлар
(иллатлар)га: хоинлик, порахўрлик, иккиюзламачилик, лаганбар-
дорлик, ҳасад, дағаллик, иродасизлик, мунофиқлик, шахсиятпа-
раслик, худбинлик, мансабпараслик кабилар киради.

Ахлоқий амалиёт – амалда намоён бўладиган ахлоқдир.
Унда шахснинг жамиятга муносабатигина эмас, балки жамият-
нинг шахсга, шунингдек, табиатга ва ўз-ўзига муносабати ҳам ўз
ифодасини топади.

Ахлоқий онг – ахлоқий талабларни, норма(қоида)ларни,
адолат ҳақидаги тасавурларни шакллантирадиган қарашлар, ғоя-
лар, фикрлар, назариялардир. Ахлоқий онгда воқелик қонунлар
сифатида эмас, балки инсоний хатти-ҳаракатларга қўйилган иж-
тимой тартиб, талаблар, нормалар шаклида қайд этилади.

Ахлоқнинг умумий функциялари – тартибга солиш (бош-
қарув), билиш, баҳолаш, тарбиялаш, социаллашув (фаоллашти-
рувчи) функцияларидан иборат.

Ахлоқнинг бошқарув (тартибга солиш) функцияси – бош-
қа функцияларни энг кўп даражада ўзига бўйсиндиради ва
уюштиради. Ахлоқ фақатгина йўл-йўриқ, кўрсатма бериб қолмай-
ди, у шахсни маълум хатти-ҳаракатга йўллайди, айрим ҳолларда
қатъий буйруқ беради. Шу билан ахлоқни тартибга солиш функ-
цияси ахлоқий талаблар, хулқ намуналарини ишлаб чиқади.

Ахлоқнинг баҳолаш функцияси – жамиятда шаклланган
намуналарга кишиларнинг риоя қилишини ижтимой назорат
қилишга йўналтирилади. Баҳолаш – ахлоқни таъсирчанлигини
оширади. Баҳолаш бўлмаса, шахснинг ахлоқли бўлиши мумкин
эмас. Агар эстетик, баҳоловнинг асоси гўзаллик ва хунуқлик,
хуқуқий баҳоловнинг асоси – қонуний ёки қонунсизлик бўлса,
ахлоқий баҳолов эса ҳамиша *яхшилик* ва *ёмонлик* негизида
кўрилади.

Ахлоқнинг билиш функцияси – ижтимой муносабатларни
қонуний тарзда эмас, балки жамият талаблари ва шахс манфа-
атлари акс этган муайян мақсадлар, ғоялар, тасавурлар, орзу-
умидлар, хоҳишлар тарзида акс эттиради.

Ахлоқий муносабатлар – фақат алоқалар, боғланишлардан-
гина иборат бўлмай, бошқа пайтда норматив асосга эга бўлган

ўзаро таъсирни кишининг бошқа одамлар, жамият олдидаги бурчларини ҳам ўз ичига олади.

Ахлоқий эркинлик – биринчи навбатда кишининг мустақил, ижодий шахс бўла олиш имконияти ва қобилятини тушунмоқ лозимки, у чинакам инсоний моҳиятни ахлоқий фаолиятда намоён қилади.

Ахлоқий зарурият – бу тарихан зарурий, объектив характерга эга бўлиб, ижтимоий муносабатларга мувофиқ бўлган ахлоқий талаблар системасидир.

Ахлоқий масъулият – бу иродадан фойдалана билиш маҳоратидир. Ахлоқий масъулият ўзида бурч талаблари ва ички майлларни жамлаб, факатгина хатти-ҳаракат ва унинг оқибатларига эмас, балки унинг мотивларига ҳам тадбиқ этилади. Айнан шу мотивлар киши ахлоқи қиёфасининг муҳим характеристикасини ташкил этади.

Ахлоқий баҳо – ижтимоий ҳаётдаги турли ҳодисаларни маъқуллаш ёки қоралаш, уларнинг ахлоқий талабларига, конкрет ижтимоий жамоанинг ахлоқий руҳига мос келиши ёки келмаслигини белгилаш тушунилади.

Ахлоқий баҳолаш мезони – кишиларга ҳар томонлама, объектив шароит ва субъектив омилларни, шахснинг барча хусусиятларни эътиборга олиб ёндашувни талаб қилади.

Б

Бахт – ахлоқий тушунча бўлиб, инсоннинг ўз фаолияти натижаларидан, ҳаётда эришган ютуқларидан тўла қониқиши, орзу-умидларининг ушалиши. беармонлик ҳолати сифатида намоён бўлади. Фалсафа тарихида инсон ҳаётининг маъносини бахтга эришиш, деб билган таълимот *эвдемонизм* деб аталган.

Бахтга эришиш учун ҳар бир шахс жамиятда, оилада ўз ўрнини топган, бурч ва масъулиятини англаган бўлиши; ўз тафаккури, фаол яратувчилик меҳнати, эзгу амалларини шахсий орзу-умидларининг ушалишигагина йўналтириб қолмасдан, балки ўз тақдирини халқи, Ватани тақдири, унинг равнақи билан ҳам уйғунлаштирган бўлиши керак.

Бағрикенглик – ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувватли, ғамхўр, саҳий кенгфёълли бўлишликни ифодаловчи ахлоқий фазилат.

Биозтика – ҳозирги замон этикасининг муҳим йўналишларидан бири. Б. инсон ҳаётини энг олий этикавий қадрият сифатида қарайди. Шу билан бирга, инсон ҳаётини сақлаш муаммосини – яхшилик ва ёмонликни фарқлашнинг муҳим мезони, деб ҳисоблайди. Ҳозирги замон фанида Б. тирик мавжудотлар, шу билан бирга инсонга ҳам бўлган муносабатларнинг этика регулятиви, деб қаралади.

Инсоннинг табиат билан узлуксиз алоқасини маънавий таҳлил этиш асосида табиатни муҳофаза этишда ахлоқий жавобгарлик Б.нинг маданий негизини ташкил этади. Б. социал масалалар билан биргаликда қадриятлар муаммосини ҳам қамраб олади.

В

Волонтаризм (лот. *voluntas* – ирода) – ирода борлиқнинг энг олий кўриниши деб қаровчи фалсафий оқим. Ирода волонтаризмда тарихий жараёнларнинг объектив қонуниятларига риоя қилмасдан, жамоатчилик билан ҳисоблашмасдан ўзбошимчалик билан ўз хоҳиш–иродасини ҳамма нарсадан устун кўяди.

Г

Гедонизм – (юнон. *hedone* – хузур–ҳаловат, роҳатланиш) этика назариясидаги ахлоқий талабларни асослаш тамойили бўлиб, унга кўра хузур–ҳаловат келтирувчи ва азоб уқубатдан қутказувчи куч *яхшилик* деб, азоб–уқубат келтирувчи кучни эса *ёмонлик* деб таъриф қилинади.

Гегель Георг Вильгельм Фридрих(1770-1831) – ахлокни умумийлик тушунчаси Рух фалсафасидан келтириб чиқаришга уринади. «Хуқуқ фалсафаси» асарида умумий рух кишилар ўртасидаги муносабатларда намоён бўлишини таҳлил этади. Унинг энг куйи поғонаси мавҳум хуқуқ бўлса, энг юқори поғонаси ахлоқдир. Ахлокни ша хсинг хусусий иши эмас, балки ҳамма учун умумий конун бўлмоғ керак деб ҳисоблайди.

Гуманизм – (лот.*humanitas* – инсонийлик, инсонпарварлик, инсон ҳақида ғамхўрлик) – инсонни ҳимоя қилишга, унинг хуқуқларига кафиллик беришни мақсад қилиб олган таълимот.

Д

Донолик – яхши фикр, яхши сўз, яхши амал бирлиги.

Демокрит (тахм.460-370) – ахлоқий ғояларининг асосида инсон рухининг осойишталикда бўлиши, табиат ҳодисаларини ўрганиш асосида ҳаётдан лаззатланиш, тинч ва осойишта умр кечириш, ўз бурчига содиқ, жасур, шижоатли, ақлли бўлишлик, дўстлик, ўртоқликни кадрлаш каби фикрлар ётади.

Ж

Жомий Абдурахмон (1414-1492) – инсон ўз табиати билан соф ва покдир. У ўзида ҳар қандай яхши ва ёмон хислатларни тарбиялаши мумкин. Бу инсоннинг ўзига боғлиқ.

И

Ибн Сино (980-1037) – шарқ ахлоқшунослигининг буюк намояндаси. Мутафаккир ахлоқни амалий фалсафа доирасига кирувчи назария сифатида тушунган. Ибн Синонинг ахлоқий қарашлари унинг «Ахлоқ илмига доир рисола», «Бурч тўғрисида рисола», «Нафси покиза тутиш тўғрисида рисола», «Адолат ҳақидаги китоб» асарларида баён этилган. Ибн Сино асарларида адолат, шижоат, иффат, ҳиммат, сахийлик, қаноат, садоқат, ҳаё, камтарлик каби ахлоқий фазилатларга; шунингдек уларнинг муқобили бўлган: ўғрилиқ, алдамчилик, фиску фасод, нафрат, рашк, адоват, бўҳтон, иродасизлик, такаббурлик, нодонлик каби ахлоқий иллатларга ҳам таъриф берган. Мутафаккир инсон тақдирини, бахтини унинг қилмишлари белгилайди деган ғояни илгари сурган.

Идеал – (фран. *ideal*, лот. *idealus* қиёфа, мезон, мукамаллик) – орзу-интилишнинг олий мақсади; у ёки бу нарса, ҳодисанинг энг яхши, энг кадрли, энг мукамал ҳолати. Хусусан, комил инсон қобилиятларини ифодаловчи, намуна.

Ижтимоий муҳит – ин сонни ўраб турган ва унинг шаклланиши, яшаши ва фаолияти юз берадиган моддий, маънавий ва ижтимоий шарт–шароит. Бу шароит инсоннинг шаклланишига ҳал қилувчи таъсир ўтказади.

Ижтимоий фаоллик – субъектнинг жамият ҳаётида онгли ҳолда мустақил иштирок этиши, унинг маълум ижтимоий–маънавий соҳада вужудга келадиган муаммоларни ҳал этишга қаратилган ҳаракати.

Ижтимоий фикр – юз бераётган вазиятлар, воқеалар ва хатти-ҳаракатларнинг жамият аъзолари томонидан маъқулланиши ёки маъқулланмаслиги: баҳолашдир.

Ижтимоийлашув(социаллашув) – (лот. *socialis* – ижтимоий) индивиднинг жамиятнинг мувофақиятли ривожланиши учун зарур бўлган намунали хулқ, психологик механизм, социал норма ва қадриятларни ўзлаштириш жараёнидир. И. инсоннинг маданият, коммуникация таъсири остида шаклланиш жараёни, бир-бирлари билан мулоқотда бўлишларини ифодалайди.

Индивидуализм (лот.*individium* - бўлинмас) - инсон индивидуал ҳаётининг алоҳидалилигини таъкидловчи фалсафий-ахлоқий тамойил. Индивидуализм тарихда бўлгани каби ҳозир ҳам волюнтаризм, анархизм, эгоизм, авторитаризм каби кескин кўринишларда ҳам намоён бўлмоқда. Умуман олганда, шахс хулқи, фаолияти, эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқлари устуворлиги ва автономияси муайян меъёр доирасидагина ижобий характерга эга бўлади. Ундан ташқарида эса индивиднинг шахс сифатида барбод бўлишига замин яратади, ғайриинсоний моҳият касб этади.

Ижтимоий келишув – жамиятни шартнома асосида пайдо бўлганлиги ҳақидаги таълимот.

Ирода эркинлиги – шахснинг, умуман, ўз хатти-ҳаракатлари, фаолияти, хулқини танлашда объектив мавжуд бўлган ахлоқий талабларни билиши ва улардан оқилона фойдаланишидир, бу шахснинг ўз фикрлари, хислари, майллари устида назорат қилиш қобилиятидир. Ирода эркинлиги ҳамиша биринчи томондан танлаш учун реал имкониятлар борлигини тушуниш, яъни танлаш эркинлигини, иккинчи томондан қабул қилинган қарорга эришишга қаратилган муайян интилишни, иродани ўз ичига олади.

К

Камтарлик – шахснинг атрофидагиларга ва ўз-ўзига муносабатини ифодаловчи, унинг ўзига нисбатан ортикча иззат-икром, эътибор талаб қилмаслигида, мақтанишни истамайдиган, ўзини бошқалардан паст оладиган, мағрурланмайдиган, содда камсукумлиқда намоён бўладиган, ахлоқий хислат. фазилат.

Категория (юнон. *kategoria* – таъриф, белги) – предмет ва ходисаларнинг умумий ҳамда муҳим томонлари хусусиятлари ёки муносабатларини акс эттирувчи энг умумий тушунчалар.

Фалсафий категориялар бошқа фан категорияларидан ўзининг ниҳоятда умумийлиги билан фаркланади.

Кант Иммануил(1724-1804) – немис мумтоз фалсафасининг асосчиси. Кант «Амалий ақл танқиди» асарида ўзининг ахлоқий таълимотини баён этган. Унинг марказига бурч тушунчаси қўйилган. У бурчни иккига бўлади: ҳуқуқий бурч ва ахлоқий бурч. Ҳуқуқий бурчни бажариш учун ташқаридан мажбур этилса, ахлоқий бурч, фазилатга, яъни ички ихтиёр эркинлигига боғлиқ. Ахлоқийлик фақат бурчни англаш эмас, балки бурчни амалий жиҳатдан бажаришни ҳам талаб этади. Шу боис, инсоннинг ахлоқий бурчга мувофиқ хатти-ҳаракатларини Кант фазилат деб атайди. Кант этикасининг асосини «ўзингга ва бошқа инсонларга восита сифатида эмас, мақсад сифатида қарагин, чунки инсон ҳаёти ўзида олий мақсадни муҷассамлаштирган», деган ғоя ташкил этади.

Кибр – кибру ҳаво, димоғдорлик – ўз қобилиятига, ўз шахсиятига ортиқча баҳо бериш, ўзини бошқалардан юқори ҳис этиш, калондимоғлик оқибатида намоён бўладиган, салбий шахсий сифат. Кибру ҳаво – салбий шахсий иллат бўлиб, у кишиларни менсимаслик, уларга паст назар билан қараш, ўринсиз, сохта гурурга берилиб, ўзининг арзимас ютуқларини кўкларга кўтариб, бошқаларнинг жузъий нуқсонларидан қулиш, инсон кадр–қимматини камситиб, унинг нафсониятига путур етказиш каби кўринишларда ўзини намоён қилади.

Л

Лоқайдлик – инсон. жамият, миллат ишига бепарво ва соувқонлик билан муносабатда бўлишни ифодаловчи иллат. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов бу иллатни шундай таърифлайди: «Азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир. Чунки душмanning кимлиги, асл қиёфаси сиз учун олдиндан маълум бўлади. Бироқ лоқайд ва бепарво одамнинг қиёфасини бирданига билиб бўлмайди. Шунинг учун у ичингизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият яратиб беради».

М

Манфаат – индивид ва ижтимоий гуруҳлар фаолиятининг асосий сабаби. М. фаолиятни келтириб чиқарибгина қолмай, унинг

йўналиши, восита ва шакллари, максadini ҳам белгилаб беради. М. турлари бир неча белгилар асосида тасниф қилинади. М. субъектига кўра, шахс, гуруҳ ва жамият манфаатларига бўлинади. М. қайси эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқлигини ҳисобга олиб моддий ва маънавий манфаатларга бўлинади. Маънавий м.лар эса, ўз навбатида, сиёсий, руҳий, ахлоқий ва б. турларга бўлинади.

Мафкура (араб. «*мафкура*») – нуқтаи назарлар ва эътиқодлар тизими, мажмуи) – жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуи.

Мафкуравий иммунитет (лот. *immunitas* – озод бўлиш, қутилиш) – маълум бир шахсда ёки ижтимоий гуруҳда ўзига хос бўлган, қатъий, барқарор, соғлом мафкуравий қарашнинг шаклланганлиги, маълум мафкура тамойилларини, улар томонидан ўз ижтимоий–сиёсий фаолияти ва яшаш тарзининг мезонларига айлантирилганлиги билан ифодаланади.

Мафкуравий иммунитет шахснинг турли зарарли мафкуравий таъсир ва таъйиқларга берилмаслигида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шахснинг маънавий–руҳий ҳолатида бўшлиқ кузатилмайди, чунки, мафкура моҳиятини ўзида акс эттирган соғлом ғоялар системаси унинг дунёқарашидан мустаҳкам ўрин олган бўлади.

Маънавият (араб. «*маънавият*») – маънолар мажмуи) – кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. М. мафкура, тафаккур тушунчаларига яқин ва улар бир – бирларини такозо этади.

Меъёр – фалсафий категория бўлиб, у объектнинг сифат ва миқдорий жиҳатларини диалектик ўзаро боғлиқлигини англатади.

Меҳр – холис ва таъмасиз яхши кўриш, севги-мухаббатнинг теранлашган шаклини ифодаловчи тушунча.

Меҳрибонлик – кишиларнинг ўзаро муносабатларида меҳр-мурувват кўрсатиш, бир-бирларига ёрдам бериш, хушфёъллик, муҳтожларни қўллаб-қувватлаш, саховатли бўлиш билан боғлиқ ахлоқий фазилат.

Миллатчилик – миллий маҳдудлик ва мактанчоқликни тарғиб ва ташвиқ қилишга асосланган, ўз миллати куч-қудрати ва салоҳиятига чуқур ишонч ва ўзга миллатларга ишончсизлик руҳи билан йўғрилган назария ва амалиёт.

Миллий гурур – ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаши натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфият. Бу туйғу ўз она замини, авлод–аждодлари томонидан қолдирилган моддий–маънавий меросдан, ўз миллатининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларидан, ўзга миллатлар олдидаги кадр–қиммати, обрў–эътибори билан фахрланиш ҳиссиётидир.

Модернизация (фран. *moderisatio, moderne* - янги, замонавий) – жамиятни замонавий талабларга мувофиқ такомиллаштириш мақсадида хилма-хил ўзгартиришларни амалга оширишдан иборат ижтимоий-тарихий жараёни ифодоловчи тушунча.

Мотив (лот. *movere* – ҳаракатга келтириш) – ички ёки ташқи шароитлар таъсирида инсоннинг ўз эҳтиёжларини қондиришга йўналтирувчи, уни муайян фаолиятга етакловчи сабаб.

Мунофиқлик (араб. иккиюзламачилик; мўғомбирлик, ўртага низо солиш) – инсоннинг сўзи ва амалининг бир-бирига зид бўлиши, «тили бошқа-ю, дили бошқа»лигини; иккиюзламачиликни ифода этувчи иллат.

Муомала одоби – инсонлараро мулоқотда намоён бўладиган ахлоқ-одоб белгиси; сўзлашув маданиятини тартибга соладиган, шахс хулқи гўзаллигини акс эттирувчи ахлоқий хусусият.

Муҳаббат – одамлар ўртасидаги ишқ, севги, ёқтириш, яхши кўриш, меҳр қўйиш билан боғлиқ инсонга хос энг олий фазилат; шахс эркинлигининг ахлоқий зарурат сифатида намоён бўлиши, бахтга эришувнинг асосий омили. Ватанга муҳаббат, ота-онага муҳаббат, фарзандга муҳаббат, ёрга муҳаббат, касбига муҳаббат – буларнинг барчаси муҳаббатнинг кўринишларидир.

«Муҳаббат ва нафрат» – Эмпедокл барча унсурларни ҳаракатга келтирувчи иккита куч тўғрисида алоҳида тўхталади. Унсурларни бирлаштирувчи кучни у *муҳаббат*, дўстлик, гармония ва хатто Афродита деса, уларни бир-биридан ажратувчи кучни *ёвузлик*, *нафрат* кучи, деб билади.

Мўътадиллик (а раб.қадди-қомати келишганлик, расолик; мутаносиблик; ўртамиёналик) – ўртача, ҳаммага маъқул ҳолатни англатади. Мўътадиллик инсонга хос бўлган инсоф, диёнат каби фазилат. Мўътадиллик виждонли одамнинг, жамоанинг жамиятга ёки бошқа кишиларга нисбатан ўз хулқ-атвори учун маънавий жавобгарлик ҳисси хамдир.

О

Одоб (араб. «адаб» сўзининг кўплиги) – жамиятда эътироф этилган хулқ меъёри. Одоб асосини ахлоқий тамойиллар, меъёрлар, идеаллар, тарбияланганлик даражаси ташкил этади.

Оила – кишиларнинг, табиий–биологик (хаётнинг, авлодларнинг давомийлигини таъминлаш), иқтисодий (мулкий муносабатлар, уй–рўзғорни бошқариш), маънавий (эр–хотин, ота–она ва болалар ўртасидаги меҳр–мухаббат туйғуси ва б.) муносабатларига асосланган, ижтимоий бирлиги бўлиб, инсон яшаши учун қулай шароит яратиб берувчи, унинг турли эҳтиёжларини қондирувчи макондир. Шунингдек, оила, муқаддас урф–одатларни сақлайдиган, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган, тарбия ўчоғидир.

Оптимизм – (лот. *optimus* – энг яхши, деган маънони билдиради) кечаётган воқеа, ходисаларнинг боришига икки хил қарама–қарши фикрлар ёки муносабатларни яхшиликка йўйиш билан ифодалаш. О. пессимизмнинг, яъни тушкунликнинг акси.

Оптимизм кечаётган воқеа ёки ходисанинг порлоқ истиқболлига, эзгуликнинг қабоҳат, яхшиликнинг ёмонлик, адолатнинг адолатсизлик, ёруғликнинг қоронғулик, ҳурликнинг бидъат ва зулм устидан албатта ғалаба қилишига илм ва маърифат асосида келажакка умид билан кучли ишонишдир.

П

Платон (Афлотун)(мил.ав.427-347) – ўзининг этика системасини устози Сукротга эргашиб яратди. Афлотун этикасининг асосий таянч нуқтаси – инсон онгидан ташқарида, худонинг доимий назорати остида бўладиган ягона ўзгармас «яхшилик» ғоясидир.

С

Сентиментализм – инсоннинг изтиробли ҳис–туйғуларига урғу берувчи таълимот.

Сократ (Сукрот) (мил.ав.470/469-399) – биринчи бўлиб билим билан ахлоқнинг узвий алоқадорлиги ҳақида фикр юритади: ўз–ўзини билиш чин эзгуликка эришиш йўли; эзгулик билим ёки доноликдир, деб ҳисоблайди.

Т

Таълим-тарбия – онг махсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир.

Танлаш эркинлиги – ўз нуктаи назарини бошқаларнинг қараши билан қиёслаш, фикр юритиш, мунозара қилиш, ўз қарашларини ҳимоя қилиш. Имкониятлар кенглиги – эркинлик даражасидир. Агар кишида танлаш имконияти бўлмаса ахлоқий фаолият ҳам бўлмайди.

Табийи ирода – инсон эркинлиги тараққиётидаги бошланғич босқич.

Тасаввуф (араб. «сувф» - суфийлик) – инсоннинг рухий дунёси тўғрисидаги, уни рухий-ахлоқий жиҳатдан комиллик сари етакловчи диний-фалсафий таълимот, эътиқод, сўфийлик оқими.

Толерантлик – ўзгаларнинг дунёқараши, эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, урф-одатлари, анъана-маросимларини ҳурмат қилиш; уларни камситиш, таҳқирлашга йўл қўймаслик.

У

Утилитаризм (лот. *utilitas* – фойда, наф) – ҳар қандай фаолият, хатти-ҳаракатнинг фойдалилигини ахлоқ-одоб мезони деб билади.

Уят – инсонда унинг умумэътироф этилган талаблар ва одатларга зид хатти-ҳаракати натижасида юзага келадиган ўнғайсизлик ҳолати, афсус чекиши.

Ф

Фатализм(лот. *fatalis* – тақдирга оид) – ҳамма воқеаларнинг азалдан белгилаб қўйилганлиги тўғрисидаги таълимот.

Фаталистик детерминизм – тақдир-азалдан ҳамма нарса зарурат асосида содир бўлади деган таълимот.

Форобий Абу Наср (870-950) – фалсафани иккига: амалий ва назарий фалсафага ажратган; ахлоқшуносликни амалий фалсафа доирасига киритган. Форобий инсон бахт-саодатини энг олий мақсад, таълим ва тарбия, ахлоқий фазилатларни эса, унга етишишга ёрдам берувчи восита сифатида таърифлаган. Форобийнинг ахлоқшуносликка оид қарашлари унинг «Бахтга эришув йўлини кўрса-

тувчи китоб», «Бахтга эришув ҳақида», «Давлат арбобининг ҳикматлари», «Фозил одамлар шаҳри» асарларида илгари сурилган.

Х

Худбинлик – ўз манфаатини бошқа кишилар манфаатларидан юкори қўйиш.

Хулқ, хулқ-атвор – ахлоқшунослик категорияларидан бири бўлиб, одамларнинг хатти-ҳаракатларида аниқлик касб этади; ижобий хатти-ҳаракатларда намоён бўлиши – хушхулқлик, салбий хатти-ҳаракатларда намоён бўлиши – бадхулқлик деб аталади.

Хулқ – кишининг онги ва иродаси билан белгиланадиган ахлоқий хатти-ҳаракатларнинг мажмуи, системаси.

Э

Этика (юнон.*ethos* – хулқ-одат) – ахлоқ ва унинг шахс ҳамда жамият ҳаётидаги ўрнини ўрганувчи фалсафий фан; ахлоқ назарияси.

Эвдеманизм (юнон.*eudaimonia*– роҳат-фароғот, бахт-саодат) – бахт-саодатга интилишни инсон ахлоқининг мезони ва ҳаётий фаолиятининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида деб талкин этувчи таълимот.

Этосфера – ахлоқий муҳит.

Я

Яхшилик ва ёмонлик категориялари – ахлоқий баҳонинг энг умумий шакли.

Яхшилик – инсон хулқига мансуб ижобий ходиса, кенг маънода барча ижобий ахлоқий сифатлардир. Масалан: меҳнатсеварлик, ҳалоллик, мардлик, ватанпарварлик ва бошқ. Яхшилик категорияси эзгулик категорияси билан синоним эмас. Яхшилик муайян давр учун долзарб ахлоқий фазилатларни, эзгулик эса, узоқ келажакка йўналтирилган с трагедик аҳамиятга эга бўлган ижтимоий характерга эга бўлган ахлоқий кадриятларни акс эттиради. Масалан: инсонпарварлик, қахрамонлик, жасорат ва бошқ.

Янги давр этикаси – ўрта аср этикасини инкор қилган. Ахлоқий кадриятларга трансцендентал ахлоқ нуқтаи назаридан эмас, балки реал, амалий ахлоқ, ҳаётий нуқтаи назардан ёндошган.

Ў

Ўзбошимчалик – инсоннинг турли-туман ташқи шароитларда ўзининг бир неча истак-кизикишларидан биронтасини эркин танлаши.

Қ

Қатъий императив (лот. *imperativus* – фармон, буйруқ тарзидаги фикр) – Кант этикасидаги ахлоқий қонун-қоидани тавсифловчи, асосий тушунча. Кант ўз фалсафий таълимотида амалий ақлни назарий ақлга нисбатан устун қўяди. «Амалий ақл» деганда, кенг маънода у этика, давлат, ҳуқуқ назариясини, тарих фалсафаси, дин ва антропологияни, тор маънода эса, ахлоқий хулқ-атвор тамойиллари ва қоидаларини яратувчи, ақлни тушунади. Кант «Амалий ақл танқиди» асарида ўзининг ахлоқий назариясини баён этган. Кант таълимотига кўра, фақат қатъий императив тамойил ва қоидаларга мос келадиган хулқ-атворгина ахлоқий саналади Кантнинг қ.и. таълимотига кўра, инсон ўз саъй-ҳаракатида ўзи учун муайян манфаатни кўзламасдан, «соф» ахлоқий бурчга таяниши лозим. Унинг фикрича, кишиларнинг бош мақсади умумий ижтимоий бурчни бажаришдан иборат бўлсагина, барчага яхшилик келтириши мумкин.

Ҳ

Ҳаё (араб. уят, шарм, ибод; ор-номус) – ножўя, нолмаъкул хатти-ҳаракатлардан тийилиш ҳисси.

Ҳимояловчи ахлоқий муносабатлар – ахлоқий қоидаларнинг бўзилишига хатти-ҳаракатлар юз бериши натижасида пайдо бўлади ва ижтимоий таъсир чораларини амалга оширишни таъминлайди.

МАВЗУЛАР БЎЙИЧА ТЕСТ ЖАВОБЛАРИ

1-мавзуга оид тест жавоблари:

Тестнинг тартиб рақами	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Жавоблар	С	В	С	В	В	С	В	А	В	В

2-мавзуга оид тест жавоблари:

Тестнинг тартиб рақами	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Жавоблар	А	В	В	Д	А	А	А	А	С	С

3-мавзуга оид тест жавоблари:

Тестнинг тартиб рақами	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Жавоблар	А	Д	В	А	А	С	А	Д	С	С

4-мавзуга оид тест жавоблари:

Тестнинг тартиб рақами	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Жавоблар	А	Д	А	С	С	В	С	А	А	А

5-мавзуга оид тест жавоблари:

Тестнинг тартиб рақами	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Жавоблар	А	А	А	А	Д	С	Д	С	А	В

МАВЗУЛАРНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАЛАРИ

1 мавзу	«АХЛОҚШУНОСЛИК» ФАНИ, УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ РОЛИ
-------------------	---

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i> 52	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машгулот шакли</i>	Мавзуга кириш бўйича кўргазмали-маъруза.
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Этика - а хлоқ ҳақидаги назария. Ахлоқнинг умуминсоний ва миллий, тарихий ва хусусий, диалектик ва ижтимоий характери. 2. Жамиятни ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий юксалтиришда, шахсни камол топтиришда ахлоқнинг роли. 3. «Ахлоқшунослик» ва бошқа ижтимоий фанларнинг ўзаро алоқадорлиги.
<i>Ўқув машгулотининг мақсади:</i> Талабаларда этика ахлоқ ҳақидаги назария эканлиги, этика ва бошқа ижтимоий фанларнинг алоқаси, Ислом Каримов асарларида ахлоқий муаммоларнинг талкини, этика фанининг функциялари тўғрисида билимларни шакллантириш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> • Курснинг мақсади ва вазифалари билан таништириш. • Этика ахлоқ ҳақидаги назария эканлиги, унинг умуминсоний ва миллий тарихий ва хусусий, диалектик ва ижтимоий характери очиб бериш. • Жамиятни ижтимоий ва 	<ul style="list-style-type: none"> • Курснинг мақсадини шакллантиради, вазифаларини санаб беради. • Этика назарий фан эканлигини, унинг ижтимоий характери ёри-тиб беради. • Этика ва бошқа ижтимоий фанларнинг ўртасидаги муносабатни очиб беради.

<p>иктисодий, маънавий ва маърифий юксалтиришда ахлоқнинг аҳамиятини ёритиш.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Этика ва бошқа ижтимоий фанларнинг ўзаро алоқадорлигини кўрсатиб бериш. • Ислоҳ Каримов асарларида ахлоқий муаммолар талқини ҳақида маълумот бериш. • Этика фанининг вази-фаларини асослаш. 	<ul style="list-style-type: none"> • Ўзбекистон Республикаси Президенти Каримов И.А.томони-дан ахлоқий масалаларга берилган эътибор ҳамда уларнинг ечими ҳақи-да маълумот беради. • Этика фанининг вази-фалари ва функцияларини изоҳлаб беради.
